




**ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**



**“МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Усмонов Бахриддин
Тарих фанлари доктори, PhD**

2021

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ва ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2 -сонли қарори билан тасдиқланган.

Тузувчи: Усмонов Бахриддин - Тарих фанлари доктори, PhD

**Такризчилар: М. Ҳ. Исомиддинов – ФарДУ тарих фанлари доктори,
профессор**

А.М.Салмонов – ФарДУ тарих фанлари номзоди, доцент

М У Н Д А Р И Ж А

I.	ИШЧИ ДАСТУР	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	17
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	23
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	101
V.	КЕЙСЛАР	130
VI.	ГЛОССАРИЙ	132
VII.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	153

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонларихамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мустақил Ўзбекистондаги ислохотларнинг назарий концептуал асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

“Мустақил Ўзбекистондаги ислохотларнинг назарий концептуал асослари” модулининг вазифалари:

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Мустақил Ўзбекистондаги ислохотларнинг назарий концептуал асослари” модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади: Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини;
- Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштириш масалалари;
- Республикани янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини;

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг назарий ва амалий таълимоти тарққиётнинг ўзбек модели ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, бу борадаги ютуқлар, истиқбол режалари, мақсад ва вазифалари **билиши керак.**

Тингловчи:

- Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири, Ватанимиз нақадар қадимий ва бой тарихга эга эканини, бу тарихнинг яратувчиси, унинг ҳақиқий

эгаси ҳам шу заминда яшаётган халқ эканини англаб тарихийтафаккурга эга бўлиш, тарихий ҳақиқатни бугунги кун билан солиштириш, таҳлил қила билиш;

- ўз она юртини дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб билиш ва ундан ғурурланиш ҳиссига эга бўлиш ва буни ўзининг амалий ишларида намоён этиш;

- ажодларимизнинг тарихий меросни ўқиб-ўрганиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Тингловчи:

- тарихий воқеа ва ҳодисаларни таққослаш орқали улардан ўзи, жамият учун муҳим хулосалар чиқариш, бугунги эркин ва озод ҳаётнинг кадрига етиш;

- жамият тараққиётида халқнинг, сиёсий йўлбошчиларнинг ўрни ва аҳамияти нақадар катта эканини англаб, уларга ҳаққоний баҳо бериш, аксинча турли хавф-хатарларнинг бу борадаги зарарини тушунтира бера олиш, тарихий мисоллар асосида маърифий тарғибот юритиш, халқнинг савиясини оширишга интилиш;

- тарихий воқеалар ва ҳодисалар бўйича оғзаки ва ёзма нутқ орқали, адабий тил қоидалари асосида ўз нуқтаи назарини эркин ифода этиш, илмий асосланган, мустақил фикрига эга бўлиш ва уларга онгли муносабат билдира олиш **малакаларига эга бўлиши зарур.**

Тингловчи:

-Ўзбекистонда олиб борилган ислохотларнинг назарий концептуалмасалаларини;

-Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, унинг мазмун ва моҳиятини;

- Иқтисодий ислохотлар, унинг босқичлари;

-Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамиятини таҳлил қила олиш каби **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси					Мустақил таълим
			Жами	Жумладан				
		Назарий		Амалий машғулот	Кўчма машғулот			
1.	XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.	2	2	2				
2.	Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли.	2	2	2				
3.	Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислохотларнинг жадаллашуви.	2	2		2			
4.	Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши.	2	2		2			
5.	Мамлакат иқтисодиётини модер-низация ва диверсификация қилиниши, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш.	2	2		2			
6.	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши.	2	2	2				
7.	Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувиغا янгича услубларни жорий этиш.	2	2		2			
8.	Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.	2	2	2				
9	Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар.	2	2		2			
10	Ўзбекистонда чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланиши.	2	2		2			
	Жами:	20	20	8	12			

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: “XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири. (2 соат)

Режа:

1. XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.
2. “Пахта иши” катагонларига барҳам бериш борасидаги амалий ҳаракатлар.

2-мавзу: Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. (2 соат)

Режа:

1. Сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши.
2. Миллий давлат тизимининг барпо этилиши, бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти қарор топиши.
3. Жамиятни демократлашувида оммавий ахборот воситаларининг роли.
4. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар.

3-мавзу: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши. (2 соат)

Режа:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши.
2. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш.
3. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.
4. 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва истиқболлари.

4-мавзу: Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. (2 соат)

Режа:

1. Қонун устуворлигини таъминлашнинг аҳамияти.
2. Суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш зарурияти
3. Тизимдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-мавзу: Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви.

(2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви.
2. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, бос-қичлари ва хусусиятлари.
3. Иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилининг амал оширилиш механизми.

2-мавзу Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши. (2 соат)

Режа:

1. Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва унинг жаҳонда қўлланилиш услублари
2. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши
3. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг босқичлари ва ривожлантирилиши

3-мавзу. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш. эришилган янги марралар. (2 соат)

Режа:

1. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши
2. Ўзбекистонда банк-молия тизимини мустаҳкамланиши

4- мавзу. Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш. (2 соат)

Режа:

1. Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш
2. Давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш.

5 - мавзу. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар (2 соат)

Режа:

1. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари
2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар

6- мавзу. Ўзбекистонда чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланиши (2 соат)

Режа:

- 1.Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги янги йўналиш ва услубларнинг қўлланилиши
- 2.Миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамдўстликнинг мустаҳкамланиши

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон ҳамжамияти. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг назарий асоси бўлган “ўзбек модели”нинг ҳамжамиятда тан олинishi.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда Мустақилликни элон қилинишидан бошлаб шу кунгача амалга оширилган ислохотларни асосчиси эканлиги. Жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларни тан олиши масаласи. Ўзбекистонни қолоқ аграр мамлакатидан ривожланган индустриал мамлакатга айланиши.

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъерий ҳужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

18. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

19. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

20. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.
21. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.
22. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.
23. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.
24. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.
25. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe.– Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.
26. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America.– Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
27. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
28. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
13. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
29. Grant E.A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
30. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
31. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
32. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century.– Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
33. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
34. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance //

International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>

35. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p. 193.

14. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

36. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.

37. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).

38. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).

39. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.

40. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).

15. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.

41. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.

42. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.

43. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

44. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.

45. Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
46. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
47. Европа мамлакаларива АҚШ 1640–1918 йилларда. /А.Холлиев таҳрири остида. –Тошкент: Университет, 2010.
48. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
49. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
50. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
51. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
52. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
53. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
54. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
55. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
56. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
57. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
58. Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz soʻz, 2017.
59. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

IV. Интернет сайтлар

60. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
www.edu.uz.
61. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
62. www.Ziyonet.uz
63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти: www.gov.uz
64. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти: <http://www.edu.uz/modules/wfchannel>
65. “Халқсўзи” газетаси – wwwinfo XS. Uz.
66. “Туркистон” газетаси – www.turkistonsarkor.uz.
67. “Маърифат” журнали – [www.ma'rifat – inform](http://www.ma'rifat-inform).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқиний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган

қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна: “Динларни ўрганишда самарали услублардан бири минтақавий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича

дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада	Ёндашувни илгари
		акс этади	сурган олимлар
<i>Қиёсий</i>			
<i>динишунослик</i>			
<i>Виждон эркинлиги</i>			
<i>Дин социологияси</i>			
<i>Тотем</i>			

Изоҳ: Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Методни амалга ошириш тартиби:

□ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

□ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади

ёки тақдимот кўринишида намоёниш этилади;

□ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодаляйдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Бумеранг” технологияси

Мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида

беради ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10 дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гуруҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гуруҳларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гуруҳдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гуруҳни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Бумеранг” технологияси асосида вазифа: Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қилинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

<p style="text-align: center;"><i>1- гуруҳга вазифа</i></p>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиради, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширсан бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида; - “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб; - “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириш
<p style="text-align: center;"><i>2- гуруҳга вазифа</i></p>	<p>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиладики, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив</p>

<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">3- гуруҳга вазифа</p>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканинг мультимедиявийлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаштиришнинг синтетик варианты бўлиб, мустақил жанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган.</p> <p>Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдироти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни кўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашриётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга кўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида муסיқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эффе́кт,</p>
<p style="writing-mode: vertical-rl; transform: rotate(180deg);">4-гуруҳга вазифа</p>	<p>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишда уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.</p> <p>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга махсус меткалар кўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссы́лка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</p>

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири. (2 соат)

Режа:

1. XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.
2. “Пахта иши” қатағонларига барҳам бериш борасидаги амалий ҳаракатлар.

***Таянч сўзлар:** “Қайта қуриш” сиёсати, иқтисод, ижтимоий таназзул, қатағонлик, “Пахта иши”, “Ўзбек иши”, ишчи кучи, деҳқон, колхоз, бошқарув тартиби, кадрлар етишимовчилиги, марказ, мустақиллик.*

XX аср 80 йилларида совет давлати мамкакатлари ижтимоий-сиёсий мураккаб жараённи бошидан кечираётган эди. 80 йилларнинг биринчи ярми ватанимиз тарихидаги энг мураккаб даврлардан биридир. Бир томондан меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати туфайли Республика иқтисодиёти ривожланди. Иккинчи томондан, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётда муаммолар, нохуш ҳолатлар тўпланиб бориб пировардида инқирозли вазиятни келтириб чиқарди. Мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш батамом тўхтаб қолмаган бўлсада, силжиш суратлари тобора пасайиб секинлашиб борди. Бироқ 1980-йилда ижтимоий ҳаётда иқтисодиётни қайта қуриш демократик жамиятни яратиш учун уринишлар бўлди. Бу уринишлар натижасида жамиятда бироз бўлсада бошқарув республика ихтиёрига берилди. Демократлашган жамият вужудга кела бошлади, корхона ва ташкилотларда

хўжалик мустақиллиги кенгайтирилди, бошқарув аппарати қисқарди ва шу каби бир қатор ўзгаришлар жамиятнинг барча қатламларига етиб бормади ва консерватив кучларнинг қаршилигига дуч келди.

Жамиятнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юзага келган инқирозли ҳолатнинг сабаблари ва илдизи фикрлашнинг орқада қолганлигида, муайян тарихий шароитга етарли сиёсий баҳо бера олмаганликда эди. Ижтимоий муносабатлар меҳнатни рағбатлантириш тизимининг бузилиши оқибатида мураккаб вазият вужудга келди. Малакали меҳнатга ҳақ тўламасдан камситилди. Барча ишчилар мисол учун врач ва санитар бир хил маош оларди. Натижада аҳолининг меҳнатга бўлган қизиқиши пасайиб борди бу эса унумнинг пасайишига олиб келди, мазкур ҳолат йиллар давомида ўсиб борди маҳсулот танқислигини келтириб чиқарди. Бу ҳолатни биз нафақат ишчилар ҳаққи масаласида балки жамиятнинг ҳар бир кўринишида кўришимиз мумкин. Жумладан соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи соҳаларида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Давлат бюджетига маблағ бу ўз навбатида ушбу соҳалардаги моддий техник базасининг эскиришига, таълим жараёнини ва аҳолининг тиббий ёрдам олишининг ёмонлашувига олиб келди.

Юртимизда ёш авлод таълим олиши учун ўқув қуроллари у ёқда турсин ҳатто ўқув муассасалари ҳам ёмон аҳволда эди. Республикадаги 9000 га яқин мактабларнинг атига 40 фоизи мактаб учун мўлжаллаб қурилган бинолар қолганлари эса мослаштирилган биноларда ўқирди. Кўплари авария ҳолатида эди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги иккинчи ёки учинчи сменада ўқирди. Ўқувчиларнинг йилига 2-3 ойлаб қишлоқ хўжалиги ишлари билан бандлиги ўқув ишларини ишдан чиқарар эди. Кадрлар тайёрлашда ҳам фақат сон изидан қувилиб сифат эсдан чикди.

Миллий таҳқирлаш ва камситиш айниқса, кадрлар сиёсатида яққол кўзга ташланарди. Ўзбекистондаги республика, вилоят, шаҳар ва туман партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ҳодимлари, бўлим бошлиқлари Москва “номенклатура”сида бўлиб, КПСС Марказий Комитети томонидан тайинланар эди. Маҳаллий раҳбарлар фақат номига қўйилган асосий иш

махаллий раҳбар бўлмаган иккинчи раҳбар қўлида эди. Кадрлар танлашда Ўзбекистоннинг ҳеч қандай ўрни ва роли бўлмаган. Бу ҳақидаги қуйидаги И.Усмонхўжаевнинг иқрори ниҳоятда аҳамиятлидир: “Бир сўз билан айтганда, ҳамма нарсани марказ ҳал қиларди. У нима деса, шу бўларди. Ҳаттоки обкомнинг бўлим бошлиғидан тортиб, райкомнинг биринчи котибигача Москва ихтиёрида турарди. Москва топшириғига кўра 40 ёшдан ошган киши райкомнинг биринчи котиби, 50 ёшдан ошган киши эса обкомнинг биринчи котиби бўла олмасди. У ҳар қанча ишбилармон бўлсин, барибир Москва унинг номзодини ўтказмасди”. Кадрларни танлаш иш ўринларига ва лавозимларга қўйишда ходимнинг иш қобилияти, ишбилармонлиги, савия даражаси, ўз соҳасининг чуқур билимдонлиги ва касб мутахассислиги каби зарур белгилар ҳал қилувчи рол ўйнамасди. Балки ходимларнинг рус тилини қай даражада билиши, Марказга шахсан садоқатлилиги ва “байналминаллиги” ҳисобга олинар эди.

Мустамлакачилик ва миллий таҳқирлаш сиёсатининг ёрқин кўринишларидан бири Ўзбекистон КП МҚнинг 1984-йил июнида бўлиб ўтган XVI Пленумидан сўнг Марказдан республикага юборилган “кадрлар десанти” бўлди. Бу ходимлар Ўзбекистон Компартиясининг фаолиятига мусаффо оқим бахш этмоқдалар, энг йирик партия ташкилотларининг тажрибасини жамлаб, ундан фойдаланишга ёрдамлашмоқдалар” деб мақтанар эди И.Усмонхўжаев Ўзбекистон КПсининг XXI сездигаги ҳисобат маърузасид. Бу “десантчилар” республикада совет, ҳуқуқ тарғибот идораларда раҳбарлик лавозимларида ишладилар ва “лаёқатсиз” кадрлар ўрнини эгалладилар. Худди шу жараён Ўзбекистондан ҳам Россия Федерациясига ходимлар “режали” жўнатилган. Аммо Марказдан келган ходимлар фақат раҳбар лавозимларига жойлаштирилган бўлса, Ўзбекистонлик кадрлар фақат қора меҳнат зоналарида ишлиш ва иш ўрганиш учун юборилган. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1973-йилда “Кўчирма оилалар учун енгилликлар” тўғрисида маҳсус қарор ҳам қабул қилган. Ушбу қарорга асосан ҳар бир кўчирма оилада албатта иккита одам ишга яроқли

бўлиши кераклиги кўрсатилади. Бундан ташқари ёлғиз меҳнаткашларни ҳам Россиянинг турли вилоятларига режали юбориш Ўзбекистон вилоятлари зиммасига юкланди. 1987йилга қадар Ўзбекистон Россиянинг ноқоратупрок зонаси ва Сибир ҳудудларига жами бўлиб 30 минг фуқарони жўнатди. Кўчирилувчилар сони йилдан йилга ошиб борди. Жумладан, оиласизлар 1981-йилда 4124 бу кўрсаткич 11099 кишига етди. Демак бу жараён янада жадалашди, Ўзбекистонлик ишчилар ерларни ўзлаштириш, қурилиш яъни турар-жой биноларини қурдилар. Шундай шароитда савол тўғилади Ўзбекистонда малакали кадрлар йўқ эдими ёки Россияда ишчи кучи мавжуд эмасмиди? Бу сай-ҳаракатларнинг туб замирида бошқа ғоя ётар эди у улут давлатчилик шовинизм сиёсатининг таркибий қисми саналиб, у кичик миллитларни ассимиляция қилиб юборишдан иборат бош мақсадга хизмат қилади.

Шовинизм сиёсатининг барча ижтимоий сиёсий жабҳаларда таъсири кенг қўламли ва у халқ яшаш шароитини янада оғирлаштириб борган. Буни биз хусусан қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Демак қишлоқ хўжалигида сифат кўрсаткичлари йилдан йилга пасайиб борди. Меҳнаткаш аҳоли ўз меҳнатига яраша ҳақ олмаганлиги сабабли меҳнат лаёқати пасайди. Марказ борган сари пахта буюртмасини ошириб борди, лекин аҳолига тўланадиган ҳақ камлигича қолаверди. Қишлоқ оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ойлик даромад Россияда 98,1 сўмни ташкил этган бир пайтда, Ўзбекистонда ўз таморқасидан тушадиган даромад билан биргаликда ҳисобланганда 58,9 сўмга тенг бўлган. Натижада Ўзбекистон халқининг турмуш даражаси пасайиб, СССР минтақасида охириги ўринларга тушиб қолди. Бундаин ижтимоий ларзаларда халқимизнинг ўта қийинчилик билан ҳаёт кечирган шундай аламли шароитда шўролар халқининг ўзлигини, тилини йўқ қилиб рус бўлмаган миллатларни умуман миллат сифатида тобтаб ассимиляцияни амалга оширган. Бу жараён, хусусан КПСС XXII сездининг “ Коммунизм қуриш” дастури қабул қилинган, бевосита кун тартибига қўйилди. СССРда “сотсиализм тўла ва узил кесил ғалаба” қилган,

бевосита СССР халқининг янги тарихий бирлиги совет халқи пайдо бўлди. Бу бирлик: “Ягона Ватан-СССР; “Ягона тил-рус тили”; “ягона мақсад коммунизм”; “Ягона мафкура- марксизм ленинизм” га асосланади, деган ғоялардан келиб чиқиб, “Ягона халқ-совет халқи”; “Ягона паспорт-Совет паспорти” қондасини илгари суришгача бориб етдилар. “Байналминал тарбия” байроғи остида, системали суръатда, 70-йидан ортиқ вақт мобайнида хаспўшлаб олиб борилди. Демак бу ғояларнинг асл мақсади миллатнинг ўзлигини йўқ қилиш халқни совет халқига айлантириш эди. Барча давлат идораларида ҳужжат рус тилида олиб борилиши одат тусига кирди. Ўзбек тили ўз юртда иккинчи даражали тилга айланди. Мисол учун 1970-йилда китоб, газета ва журналлар 1-миллион нусхада чоп этилган бўлса, шундан 600 минг (60%) нусхада рус тилида у фақат 300-400 минг (30-40%) ўзбек тилида эди ҳолос. Ҳолбуки, ўзбеклар Ўзбекистонда 73 фоиздан ортиқни ташкил этган. Бу мустақиллик эълон қилиниши арафасида Республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида ўрганиш жараёнида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида соф шовинистик мустамлакачилик сиёсати олиб борилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Халқимизнинг жуда бой тарихи унинг маданияти, ўзига хос ноёб хусусиятларни билмаган ва билишни ҳам хохламаган келгиндилар маҳаллий халқнинг урф-одатлари, анъаналарини оёқ ости қилдилар. Халқимизнинг бой маданияти ва маънавий қадриятлари камситилди. Миллий либос кийиш қоқоқлик деб баҳоланди. Миллий анъаналар бўйича тўй қилган, қариндош уруғларини миллий ва диний қадриятлар асосида дафн қилганлар танқид остига олинди, шавқатсиз жазоланди. Бу қадар хўрлашлар халқимизнинг сабр косасини тўлдириб борди. Сиёсий ва мафкуравий зуғумларга қарамасдан ижтимоий онг ўзгара бошлади. Ўтмиш ва ҳозирги замон муаммолари тўғрисида мунозаралар, турли қарашлар, нуқтаи назарлар билдириладиган бўлди. Жамоатчилик пахта яккаҳоқимлигини тугатиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, экологик ҳолатни соғломлаштириш каби масалаларни кўтара бошладилар.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида китобини ўрганиш бўйича ўқув –услугий қўлланмада ижтимоий-сиёсий жараён мустабид тузумдан қолган оғир мерос ҳақида айтиб ўтилган.

- Мустабид тузумнинг репрессив сиёсати оқибатлари
- Ертанги кунга ишончсизликнинг ортиши
- Озгина учқун чиқса, ловуллаб ёниб кетиш мумкин бўлган вазият
- Ҳукмрон репрессив сиёсат
- Мустабид мафкура кучнинг сақланиши
- Кенг тарқалган қўрқув ва ваҳима
- Халқ кайфиятдаги тушкунлик.
- Мустабид тузумдан қолган оғир мерос
- Соғлиқни сақлаш ишларда ўта аянчли аҳвол
- Оддий ичимлик суви билан таминланмаганлиги
- 9 миллион кишининг даромади энг зарур даражадан ҳам пастлиги
- 60 фоиз ижтмоий инфратузилманинг нобоплиги
- Бир миллионга яқин ишсиз мавжудлиги
- “Пахта иши”-тухмат, тазйиқ, тақиб ноҳақ қамалишлар.

Халқмизни ўз гирдобига олаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш ўз ўрнини ўтаб бўлган мустабид тузумдан воз кечиш, ривожланган давлатлар тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш, миллатмизнинг асрий қадриятларни урф-одат ва бой анъаналарни янада мустаҳкамлаш зарурий жараён эди.

“Пахта иши” қатағонларига барҳам бериш борасидаги амалий ҳаракатлар.

1983 йилдан бошлаб собиқ КПСС Марказий қўмитаси раҳбарлигида Ўзбекистонда навбатдаги ошкора қатағонга йўл очилди. "Пахта иши", "Ўзбеклар иши", "Шарқий фронт" деб аталган машъум сиёсат ниқоби остида минглаб бегуноҳ кишилар жиноий жавобгарликка тортилди. Москва юборган

генераллар, прокурорлар, терговчилар истаган одамларни ҳибсга олишарди.

Маъшум номлар билан аталган компаниявозлик даврида йўл қўйилган хатолар, порахўрлик қўшиб ёзиш, мансабни суистеъмол қилиш каби иллатлар очиб ташланди. Бироқ бу нуқсонлар собиқ Иттифоққа, мавжуд чириган тузумга қолаверса Марказга ҳам тегишли эди.

XX асрнинг сўнгги чорагига келганда ўзида бутун бошли халқлар ва миллатларни бирлаштирган собиқ Иттифоқ ҳудудида иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлар юзага кела бошлади. Иттифоққа кирувчи давлатлар фуқоролари онгида мустақилликабўлган интилиш ва ҳаракат пайдо бўлиб, ўсиб борди. Бу ҳолат айниқса Болтиқбўйи давлатларида яққол намоён бўлди. Табиийки Иттифоқ ҳукумати бундай интилиш ва ҳаракатларга тоқат қила олмас эди ва бор имкониятини ишга солиб, зўравонлик билан бўлса ҳам бу ҳаракатларни тўхтатишга киришди. Иттифоқ раҳбарлари фикрича, бу ҳаракатларни тўхтатиш учун бутун бошли халқни ўз домига тортувчи сиёсат ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этиш мўлжалланганди. Айнан мана шу сиёсат натижасида “пахта иши”, “ўзбек иши” деган уйдирмалар пайдо бўлди ва ўзбек халқига нисбатан бу сиёсат амалга оширилди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нега айнан “ўзбек иши”, “латиш иши” эмас, “грузин иши” ёки “арман иши” эмас? Тарихчи тадқиқотчилар фикрларига кўра, бу пайтда Болтиқбўйи давлатларида ҳуқуқий онг анчагина ўсганлиги, шунингдек бу ҳудуддаги давлатлар Иттифоқ ҳудудига нисбатан кечроқ кирганликлари ва Европа давлатлари андозасидаликлари сабабли, бу ҳудудга нисбатан бундай сиёсат юргизишдан тийилдилар. Кавказ ҳудудларида эса бу сиёсат натижасида қуролли кўзғалон келиб чиқиши мумкин эди. Айнан шуларни инобатга олган ҳолда Иттифоқ ҳукумати Ўрта Осиё ҳудудини танладики, бу ҳудудда яшовчи халқлардан нисбатан кўпроғи, яъни ўзбек халқи бу сиёсатни юритишга улар учун ҳар томонлама маъқул келарди. Шу сиёсат билан улар бутун Иттифоқ давлатларидаги норозиликларни тўхтатмоқчи бўлдилар. Ўзбекистон ССР мамлакатнинг асосан хомашё етиштириб берадиган минтақаси ҳисоблангани сабабли республика қишлоқ хўжалиги ривожига бошқа иттифоқдош

республикаларга нисбатан анча оғир, зиддиятли жараёнлар таъсирида қолди. Ўта марказлаштирилган бошқарув, “умумхалқ манфаатларини” рўқач қилиб олиб борилган сиёсат Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигини, шу соҳада банд бўлган аҳолининг ижтимоий, иқтисодий аҳволини ҳам ниҳоятда оғирлаштириб юборди. Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг “Пахта” хомашё комплекси атрофида ривожлантириши XX асрнинг 80 йилларда ўз салбий таъсирини кўрсата бошлаган эди. Йиллар давомида партиянинг пахта ҳосилдорлигини ошириш учун кетма – кет бериб келган беш йиллик режалари ерларнинг чала ўзлаштириб, белгиланган вақтда “топширишга”, ернинг мелиоратив ҳолатини бузилишига, кетма - кет бир хил экинлар екиб, катта миқдордаги сарф - харажат қилинишига сабаб бўла бошлади. Бироқ, бу сарф – харажатлар ўзини оқламас, марказ эса беш йиллик пахта планини бажаришни қатий туриб талаб қилар эди. Натижада олинadиган реал даромад тўлиқ бўлмас, буйруқбозлик, қаттиқ назорат, тазйиқ ўтказиш кучайиб борар, камомад, ўғрилиқ, ички назорат ва ҳисоб - китобнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ортиб борар эди. Бу ҳолатлар бутун мамлакатда кўшиб ёзиш деган иллатларни кучайтириб юборди. Х.Юнусованинг илмий тадқиқот ишида таъкидланишича, СССР ФА олимлари ўтказган ҳисоб - китобларга кўра, кўшиб ёзишлар бутун мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 3 фоизига тенг бўлган. Хомашё етказиш соҳаларида эса, кўшиб ёзишлар 5 фоиздан 25 фоизгача бўлган. Мамлакат иқтисодиётидаги ҳолатлар бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, 1977 йилда Белоруссия ССРда кўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги учун 1075 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилоятидаги қурилиш ташкилотларида 1983 - 1984 йилларда 700 минг рубллик кўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги аниқланган. Озарбайжон ССРда эса 1983 йилнинг ўзида 667 саноат корхонаси ва қурилиш ташкилотларида кўшиб ёзишга йўл қўйилган. Молдавияда эса кўшиб ёзишлар ниҳоятда авж олган бўлса-да, кишилар тобора кўпроқ мансаб курсиларини эгаллаб борганлар. Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта хом ашёси билан таъминловчи минтақаси

бўлганлиги сабабли кўшиб ёзишлар иллоти “ривожланган” жой Ўзбекистон деб қаралди ва кўшиб ёзишларга қарши мамлакат миқёсида катта ҳаракатлар бошланиб, Ўзбекистон биринчи нишонга олинган республикалардан бўлиб қолди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, дарҳақиқат халқ хўжалигидаги кўшиб ёзишлар Ўзбекистонда мавжуд бўлиб, аксарият ҳолларда колхоз ва совхозларнинг мансабдор шахслари томонидан кўшиб ёзишлар пахта тозалаш корхоналарининг тайёрлов ташкилотларига тайёрланмаган ва топширилмаган пахтани топширилди деб товарсиз фактураларни тузиш йўли билан амалга оширилган. Бундай кўшиб ёзишларга колхоз ва совхознинг бригадасида, бўлимида тузилган, ички хўжалик ҳисобга олиш маълумотлари, сўнгра завод пахта пунктининг товарсиз ёзилган, бир томондан – колхоз ва совхоз томонидан, иккинчи томондан – пахта тозалаш саноати корхонаси томонидан режанинг бажарилганлиги тўғрисидаги давлат ҳисоботи кўрсатилган маълумотларни баланслаштирган товарсиз квитанциялар асос қилиб олинганди. Завод директори ва бухгалтери ушбу маълумотлардан режани бажаришгани тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ошириш учун фойдаланишган ва уларни республика пахта тозалаш саноати вазирлигига ҳамда статистика бошқармасига топширганлар. Ўзбекистон жанубидаги Қашқадарё вилояти саноатининг асосий йўналишлари ҳам пахтачиликка ихтисослашган бўлиб, пахтани қайта ишлаш Қашқадарёда 51 фоизга тенг бўлган. “Пахта иши”, “кўшиб ёзишлар” масаласи ҳам аслида 1983 йилда бошланган. Ўз Компартия МҚсининг XVI Пленуми ва унда Иномжон Усмонхўжаевнинг Марказдан Ўзбекистонга кадрлар билан “ёрдам бериш”ни сўраб қилган мурожатидан сўнг бу иш авж олди. Ўзбекистонга юзлаб, минглаб кадрлар юборилди. Булар – Анишчев, Огарок, Клепиков, Сатин, Нестеренко, Бутурлин, О.Гайданов, Э.Дидаренко, Любимов, Калининченко, Королёв, Майданюк, Маврин, Литвиненко, Иванов, Галкин, Карташян ва бошқалардир. “Пахта иши” бўйича жуда кўп гуруҳлар ташкил қилинди. Маҳаллий халқнинг “характер ва психологияси”ни яхши билган жаллодлар бу гуруҳларга туб ерлик прокурор ва терговчиларни бош қилиб, уларга “яхши консултатсия”лар

бердилар ва шу тариқа сопини ўзидан чиқардилар. Юқори савияда “маслаҳат” олган гуруҳ аъзолари амалий ишга тушиб кетдилар. Улар 70-80-йилларда мамлакатда кенг тус олган қўшиб ёзишлар бўйича жиноятчиларни аниқлаб беришлари керак эди. Ҳақиқатан ҳам шу йилларда пахта, чорва ва бошқа соҳалар бўйича қўшиб ёзишлар давлат режаларини сунъий равишда бажариш усули бўлибгина қолмай, миллионлаб сўм давлат маблағларини суистеъмол қилиш ва талон-тарож этишнинг синалган усули эди. Порахўрлик авжига минганди. Бундай қўшиб ёзишлар, порахўрликларнинг асосий илҳомчиси ва ташкилотчиси Москванинг ўзи бўлиб, республика, вилоят, туман раҳбарлари, давлат хўжалиги директорлари, жамоа хўжалиги раислари, пахта тайёрлаш корхоналари ва пахта тозалаш заводлари раҳбарлари бу иш билан боғлиқ эдилар. Ўзбекистон жанубида шу жумладан, Қарши чўли, Сурхон – Шеробод чўлларини ўзлаштириб, Республиканинг жанубида жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан XX асрнинг 80 - йилларига келиб, ўртача 1 миллион тонна пахта етиштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Гектаридан олинмиши лозим бўлган ҳосилдорлик йилдан - йилга ортиб бориб, уни бажаришнинг иложи бўлмагандан кейин, қўшиб ёзиш деган бир иллат пайдо бўлди. Марказ ўйлаб топган “пахта иши”, “ўзбеклар иши” сиёсатининг асорати XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Қашқадарёда яққол кўзга ташланди. Биргина 1981-83 йилларда Қашқадарёда ҳалол меҳнат қилиб обрў топган машҳур колхоз раислари, совхоз директорларидан, вилоят раҳбарлари 36 киши ишдан бўшатилиб, маъмурий йўл билан жазоланди. Улар орасида шахрисабзлик машҳур раислар А.Туропов, Қурбонов, совхоз директори Н.Шаропов, Касби раён халқ контроли қўмитасининг раиси Зиёд Арабов, Ўзбекистон КП Баҳористон туман қўмитасининг иккинчи котиби Р.Суяров, Қарши туман пахта тозалаш заводи директори Тоҳировлар бор эди. Мамлакатда юзага келган ижтимоий-сиёсий соҳадаги инқирозий ҳолатлар, аввало, совет ҳукуматининг маъмурий-буйруқбозлик сиёсати натижаси эканлигини тергов гуруҳи мутлақ англаб етмас эди. Шаҳрисабз туман партия қўмитасининг биринчи котиби Х.Холиқов С.Жўраев билан биргаликда

4.651.000 минг сўм пулни пахтага қўшиб ёзиш ҳисобига пора сифатида олганликларида айбланганлар. Аслида, бу миқдордаги пулнинг 3.100.000 сўми Серпухово, Кутаиси, Боку, Орехово-Зуево ва бошқа шаҳарлардаги тўқимачилик корхоналарига қабул қилинмаган хомашё учун пора сифатида берилган эди. Шаҳрисабздаги энгелс номли колхоз раиси Сувоновнинг сўроқ вақтида берган кўрсатмаларида бундай дейилади; “Бизнинг колхозимиз 1983-йил ноябр ойлари бошида пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ўша вақтдаги обкомнинг иккинчи котиби Головачев туманимизда вакил эди. У менга пахтани қўшиб ёзишни таклиф этди. Мен унга колхоз йиллик режани бажарганини, далада эса пахта қолмаганини айтдим. Шундан кейин 8-9 кун давомида Головачевнинг кўзига кўринмай юрдим. У барибир мени топиб уятли сўзлар билан ҳақорат қилди. Икки марта урди. Мен пахтага қўшиб ёзишга мажбур бўлдим, пахта заводи классификаторига 180.000 минг сўм пул бердимъ. Кўриниб турибдики буларнинг барчаси маҳаллий аҳоли хоҳишларига мутлақо зид равишда, қо ьпол суратда марказ топшириғи билан амалга оширилган. Хулоса қилиб айтганда, XX аср 80 йиллари бошларида Иттифоқ миқёсида бошланган ижтимоий – сиёсий муаммолар, унинг чекка худудлари Ўзбекистон вилоятларини ҳам четлаб ўтмади. Марказнинг бу муаммоларни маҳаллий бошқарув идораларининг масъулиятсизлиги ва бошқа сунъий айбловлар эвазига ҳаспўшлаш йўлидан бориши ҳамда турл воситалар ёрдамида республикада жинойий ишларни бошлаб юбориши оқибатида маҳаллий аҳоли ва кадрлар қийноқларга дучор бўлди, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилди.

Марказий матбуотнинг баъзи бир муаллифлари Кавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг юзига қора чаплашга ҳаракат қила бошладилар.

Бу худудларда яшаган миллатлар ўз вақтида мавжуд жинойий гуруҳлар фаолиятига қарши курашганлар, улар сотсиалистик қонунчиликни бузилаётгани ҳақида Москвага арз қилишган, бироқ уларнинг ўзлари, яъни "сунъий лойқалатувчилар" қувғинга учраганлар. 1983 йилнинг охирида республикада жуда оғир вазият вужудга келган эди. Биринчидан,

жиноятчиликка қарши курашиш ниқоби остида собиқ рнаказдан кетма-кет турли тергов гуруҳлари ташланди. Республикамиздаги раҳбарлик лавозимларига собиқ Иттифоқнинг бар хил жойларидан кадрлар кела бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиблигига Анишчев, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Огарок, Олий Кенгаш Президиуми райисининг ўринбосари этиб Романовскийлар тайинланди, Тошкент шаҳрининг тақдири Сатинга топширилди.

Республика прокурори этиб Бутурлин, унинг ўринбосарлигига Гайданов, тергов бошлиқлигига Лаптев, Ички ишлар вазирлигига Дидоренко тайинланди. Барча вилоятларда ҳам аҳвол шундай бўлиб, улар республикадаги ҳукмронликни тўла қўлга олган эдилар.

"Пахта иши" ва "Ўзбеклар иши" деб юзсизларча номланган терговлар бошланиб кетди. Гдлян гуруҳи Ўзбекистонликларга нисбатан қонунсиз, бешафқат ишларни бошлаб юборди. Уларнинг зўравонлиги оқибатида судлар адолатсиз ҳукмлар чиқара бошлади.

1989 йилгача бу ишлар бўйича 4,5 мингдан кўпроқ киши судланди. Ўша пайтда республикадаги қамоқхоналарда жой қолмагани учун судланганларнинг мингдан ортиғи жазони ўташ учун Сибир қамоқхоналарига жўнатилди.

Гдлян гуруҳи Ўзбекистон худудида чекланмаган ваколатларга эга бўлди. Айбсиз одамларни, уларнинг оила аъзоларини қараоққа олиб, жисмоний ва руҳий қийноққа солиш авж олди. Ҳибсга олинганлар тергов усулларига дош беролмай ўз жонларига қасд қилишгача бориб етдилар.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари беҳад топталаётганлиги ҳақида Москвага минглаб хатлар жўнатилди. Афсуски, бу хатлар текширилмасдан, ҳатто жавоб ёзишга эп кўрилмади. Аксинча Гдлян ва унинг гумашталарига кетма-кет унвонлар берилди.

1989-йил 23-июн куни республика раҳбарлигига Ислон Каримов сайланди. Янги раҳбарнинг фаолияти Ўзбекистон фуқароларининг

хуқуқларини ҳимоя қилиш, топталган хуқуқларини тиклаш каби олийжаноб ва хайрли ишдан бошланди.

"Пахта ишлари"ни кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилди. Комиссия иш фаолиятига 40 минг томдан иборат ишни кўриб чиқиш топширилди. 1990-йилнинг июн ойига келиб, комиссия энг муҳим бир хулосага келди. 1990-йил 13-июн куни Москва шаҳрига СССР Бош прокурори, СССР Олий судининг райиси ва СССР Адлия вазири номига ёзилган хатда комиссия хулосалари батафсил кўрсатилди. Бу хатда "Пахта ишлари" чуқур таҳлил қилиниб, судланганларни оқлаш масаласи қўйилган эди. Бирок юқоридаги ташкилотлар кўмак ўрнига тайзикни кучайтирдилар.

Республика раҳбарининг қатиятли ҳаракати билан ноҳақлик барҳам топди. Комиссия икки йилдан кўпроқ вақт орасида 40 минг томлик ишни кўриб чиқди. 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди. Қолганларнинг жазо муддатлари камайтирилиб, бир қисми Президентимиз томонидан авф этилди.

Пахта комиссияси фаолиятининг энг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, пахта исблари бўйича судланганларнинг кўпчилиги ҳаётлигида оқланди, юзлари ёруғ бўлди, топталган хуқуқлари тикланди, ўз иш жойларига қайтишди, мусодара қилинган мулки қайтарилиб, бошқа етказилган моддий зарарлар қопланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, хусусан, республика раҳбариятининг қатиятли ҳаракати билан ноҳақлик барҳам топди. Минглаб бегуноҳ фуқороларнинг номлари оқланди.

КПСС МК Апрель (1985 й) пленуми совет жамиятини "қайта қуриш", бу жамият ҳаётининг барча соҳаларини "чуқур ислоҳ қилиш" йўлини эълон қилди. Бунда аввало ижтимоий ҳаётни дераократлаштириш, ошкоралик, иқтисодий ўсишни фан техника ютуқларига таяниб жадаллаштиришга қарор қилинди.

Бирок узоқ йиллар тоталитар режимга мослашган давлат монополияси, идоралари бюрократик. аппарат кўзда тутилган режаларни амалга оширишга йўл қўймади.

80-йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатдаги иқтисодий тараққиётни чуқур таҳлил қилмасдан 90-йилларнинг охирига бориб, собиқ СССР да миллий даромадни 2-2.5 баробар ўстириш, аниқроғи аввало 70 йил ичида амалга оширилган ишларни кейинги 15 йил ичида бажариш вазифалари қўйилдики, булар мутлақо ҳақиқатдан узок эди. Бу ҳол табиий равишда 70-80 йиллар бошларида жамият олдидаги муҳим халқ хўжалиги вазифаларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан эмас, балки қўшиб ёзиш, пора бериш, ошна-оғайнигарчилик билан осонгина ҳал қилишга олиб келди.

Давлат режалаштириш тизими мураккаб ижтимоий ва хўжалик вазифаларини маъмурий-буйруқбозлик йўли билан ҳал қилишга қодир бўлмай қолди. Натижада иқтисодий ўсиш ҳар йилига камайиб борди. Республика халқ хўжалигида умумий ижтимоий меҳнат унумдорлигини пасайиши ҳисобга мўлжалдагидан 4,3 фоиз ёки 850,4 миллион сўмга кам миллий даромад олинди. 1989 йилда Ўзбекистондаги ҳар бир кишига собиқ иттифокдаги ўртача даражадан бир ярим баравардан кам капитал маблағ тўғри келди Шу даврга келиб республика қишлоқ хўжалигида кўплаб муаммолар тўпланиб қолди. Совет тузумининг навбатдаги ислоҳоти ҳам йўл қўйилган хатолар туфайли барбод бўлди.

Назорат саволлар:

1. XX аср 80 йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг сабаблари нималардан иборат эди ?
2. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши”нинг моҳияти нимада?
3. “Пахта иши” қатағонларига барҳам бериш борасидаги қандай амалий ҳаракатлар бўлди?
4. Ўзбекистоннинг мустақиллик сари ташлаган дастлабки қадамлари ҳақида гапириб беринг?

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Karimov I.A. O'zbekistonning o'z istiqlool va taraqqiyot yo'li. Toshkent-1992.
2. Karimov I.A. O'zbekiston: milliy istiqlool, iqtisod, siyosat, mafkura. T., 1996.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. T., 2008.
4. Levitin D., Karlayl D., Islom Karimov yangi O'zbekiston Prezidenti. T., 1996.
5. Murtazaeva R va b. O'zbekiston tarixi. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. T., 2003, 2005.
6. Usmonov Q va b. O'zbekiston tarixi. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. T., Moliya-iqtisod. 2006.
7. O'zbekiston Konstitutsiyasi. T., 2002.
8. G'ulomov S., Usmonov Q., Milliy mustaqillik O'zbekistonga nima berdi. T., 2000.
9. O'zbekistonning yangi tarixi. III jild. Mustaqil O'zbekiston tarixi. T., 2000.

2-мавзу: Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. (2 соат)

Режа:

1. Сиёсий ислохотларнинг бошланиши.
2. Миллий давлат тизимининг барпо этилиши, бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти қарор топиши.
3. Жамиятни демократлашувида оммавий ахборот воситаларининг роли.

Таянч сузлар: Мустақиллик, тараққиёт, демократия, ислохотлар, давлат тизими, сиёсат, бошқарув, қонун, партия, суд ҳокимияти, ижро этувчи ҳокимият, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти, ривожланиш.

Ўзбек халқининг кўп асрлик орзу-умидлари ифодаси бўлган мустақилликнинг асосий хусусияти миллий, умуминсоний кадриятларни таъминлайдиган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш эди.

Мустақиллик йиллари миллий давлатчилик асосларини қуриш йиллари бўлди. Ўтган йиллар кўхна тарихимизни теран ҳис қилиш, ҳозирги жаҳон жараёнида ўз ўрнимизни эгаллаш даври бўлди. Бу даврда биз ўзлимизни англаб, тарихий йўлимизни узил-кесил танлаб олдик.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов тарихий анъаналарга, дунё тажрибаларига, ўлканинг ўзига хос томонларига таянган ҳолда жамиятни сиёсий жиҳатдан тубдан ислох қилиш йўлларини ишлаб чиқди. Бу жараёнда иккита бош вазифа:

1. Эски маъмурий тизимни тугатиш ва ҳокимият бошқарув органларини қайта қуриш;

2. Янги давлатчиликнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосларини яратиш, давлатчиликда янги марказий ва маҳаллий бошқарув тизимини шакллантириш масалаларини ҳал қилишдан иборатдир.

Жамиятда қонунийликнинг ғалаба қилиши, фуқароларни ижтимоий-сиёсий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимояси учун ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи ҳақли равишда амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили конституция даражасида мустаҳкамланди.

Давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг йўлларини кўрсатиб берар экан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов энг аввало бу вазифа ҳокимият барча иноқларнинг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлашга боғлиқлигини уқтиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолати Конституциянинг В-бўлим ХВИИИ бобида ва 1994-йил 22-сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"ги Қонунда белгиланган. Бу қонунларга кўра, Олий Мажлис Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Собиқ Иттифоқдан қолган қонунларни ўзгартириш, мамлакат ҳаёти учун зарур ўзгартиришлари амалга ошириш, демократик тамойиллар асосида Олий Мажлисни шакллантириш учун 1994-йил 25-декабрга сайловлар белгиланди.

1993-йилни 28-декабрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги қонунга кўра республика парламентида сайловиар умумий, тенг, тўғридан тўғри сайиов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Ичакчирик Олий Мажлисига сайлов республикамиз сиёсий ҳаётида улкан ютуқ бўлиб, бунда 250 депутатдан иборат Олий Мажлис -Янги Парламент демократик ва кўппартиявийлик асосида тузилди.

Олий Мажлис фаолиятини эркинлаштириш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси ИИ-чақириқ Олий Мажлиснинг Влл-сессиясида икки палатали парламент тузиш тўғрисида умумхалқ референдуми ўтказишга қарор қилинди. Шу асосда 2002-йил 27-январда ўтган умумхалқ референдумида қатнашган фуқароларнинг 93,65 фоизи парламентни икки палатадан тузилишини қўллаб-қувватлади.

1995-йил 23-24-февралда чақирилган биринчи сессияда Ўзбекистон парламенти ҳокимият вакилиик органларидан сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блокини, 69 депутатдан таркиб топган Халқ Демократик партияси фракциясини, 47 депутатни уюштирган "Адолат" сотсиал-демократик фракциясини, 14 депутат иштирокида "Ватан тараққиёти" партияси фракциясини рўйхатга олди. Олий Мажлис сессияларида ва унинг кўмиталарида олиб борилаётган ишлар асосан мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтариш, қонунчиликни сифат даражасини юксалтиришга қаратилган. Қонунлар қабул қилинмасдан олдин умумхалқ мубокамасига тақдим қилиниши ислохотларни амалга оширишга ижобий таъсир қилди.

1997-апрелда Олий Мажлис таркибида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ташкил қилинганлиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Омбудсман жаҳондаги 85 дан ортиқ мамлакатда бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ равшан белгилаб берувчи конституциявий қонун Марказий Осиё давлатларида биринчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ушбу қонунда:

"Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқиари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахслар, ташкилотлар ва давлат органларининг инсон ҳуқуқи эрки ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида фаолият кўрсатади", -деб таъкидланган.

Вакил Олий Мажлиснинг ёрдамчи институти бўлиб, у ижтимоий манфаатларнинг мувозанатига, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг мақбул давлат тизими яратилишига кўмаклашади. Қонун омбудсман институтининг умумий концепсияси ва жаҳон амалиётининг уйғунлашган

шакли сифатида инсон ҳуқуқлари вакили фаолиятининг асосий қоида-қонунийлик, ошқоралик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ҳар бир киши учун очиқ эканлигини тасдиқлайди.

Омбудсман фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқишда, зарур ахборотни талаб қилиб олишда мансабдор шахслар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қилмоқда Қонун қабул қилингунга қадар ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мамлакат Конституцияси доирасида фаолият кўрсатиб келди. Жумладан, биргина 1996-йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳамда фуқароламинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия аъзолари 700 дан ортиқ мурожаатни кўриб чиқди. Ана шундай аризаларнинг тегишли қисмидаги далиллар ўз тасдиғини топган ва зарур чоралар кўрилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг Женевада бўлиб ўтган 52-сессиясининг мажлисида қатнашди ва сўзга чиқди. Чет элларга хизмат сафари давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил БМТ семинарида, БМТриинг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларидаги вакилларининг минтақавий учрашувида сўзга чиқди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг бир қатор кенгашлари ҳамда семинарлари ишида қатнашди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятини таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳуқуқий, инсонпарварлик, демократик ва фуқаролик жамият қурилиши учун мустаҳкам пойдевор қўйилди Олий Мажлис "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тўғрисида", "Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида", "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида" қонунларни, Меҳнат кодекси (1995), "Фуқаролик Кодекси"нинг (1996) (биринчи ва иккинчи қисмлари) каби кўплаб қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

1999-йил 5 ва 19-декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси иккинчи

чақирик Олий Мажлисига сайловлар бўлиб, сайланган депутатлардан Ўзбекистон Парламентининг янги таркиби шаклланди.

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг иккинчи чақирик Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган "2000-2002-йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устиворлик жиҳатлари тўғрисида"ги ҳужжатни тасдиқлади.

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IV-сессиясида (2000-йил 14-декабр) Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатида: "Янги аср мамлакат учун янгилашиш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истиқболи учун барчамиз ҳамжихат бўлиб курашайлик. Мақсадимиз -Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир"-дейилган.

Мустақилликнинг таянч нуқталаридан бири президентлик бошқарувининг жорий қилиниши бўлди. Бу билан давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шакллана бошладики, Президентлик бошқаруви шу тизимнинг ўзагидир.

1991-йил 29-декабрда Ўзбекистонда президентлик лавозимига умумхалқ сайлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутар экан, биринчи кунларидан бошлаб, унинг бошида Ислон Абдуғаниевич Каримов турди. Асрларга тенг шу қисқа вақтда эришилган ютуқлар: мамлакатда ўрнатилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, тарихий, миллий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши жамиятда ўрнатилган осойишталикни, мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнининг ортиб боришини бутун халқимиз, жаҳоннинг йирик давлат арбоблари Ислон Каримов номи билан боғлайдилар.

Мамлакатимизда барча соҳани қамраб олган кенг миқёсли ислохотларни узлуксиз давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

1995-йил 26-мартда Президент И. Каримовнинг ваколатини 1997-йилдан 2000-йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилди. 2000 йил 11-январда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси -2000 йил 9 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари тасдиқланди. Шу куни Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислон Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи 4,17 фоиз сайловчи овоз берди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабиил қилди.

Амалдаги Конститутутсияда Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи қилиб белгиланиши ижро этувчи ҳокимиятни кучайтиришга қаратилган тадбир деб айтиш мумкин. Мамлакатимизнинг ижро этувчи ҳокимиятининг таркиби Президент томонидан тайинланиб, Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистонда президентлик институти ўрнатилган дастлабки даврда Вазирлар кетигаши ҳукумат сифатидаги ҳуқуқий мақомини ва ваколатларини сақлаб қолган эди. Унинг 1990-йил 30-мартда Олий Кенгаш тасдиқлаган янги таркиби 41 киши, яъни Райис, Бош Вазир, унинг икки биринчи ўринбосари, тўрт ўринбосар, 19 вазир, 14 давлат қўмитаси райисидан иборат эди. Республикада демократик жамият қуриш борасида бошқарув идоралари фаолияти такомиллаштирилиб борилди. 1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ИТ сессияси бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Президентнинг Фармонини тасдиқлаш масаласи кўрилди ва сессияда Вазирлар

Маҳкамасининг 35 кишидан иборат янги таркиби тасдиқланди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йиғилишида (2000 й. 11 феврал) мамлакатимиз Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов янги ҳукуматнинг масъулиятли фаолиятини қуйидагича баён қилди:

"Ватанимиз ўз тараққиёти йўлида янги уфқлар ва янги мақсадларга интилаётган бир пайтда, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларини янги босқичга кўтариш, яъни, ҳаётираизни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида бу жавобгарлик ниҳоятда ортади.

Бу лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар бир ҳақиқатни чуқур англаб, ўз онгидан, юрагидан ўтказишлари керакки, дейди И.А.Каримов-одамларимизнинг эртанги ҳаётдан кутаётган орзу-умидларининг рўёбга чиқиши, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бу раҳбарларнинг ўз вазифасини ҳалол ва малакали бажаришга, қолаверса, фидойилигига кўп жиҳатдан боғлиқ".

Бошқарув тизимининг бошқа бўғинлари ҳам бозор иқтисодининг Ўзбекистонга хос йўлига мослаштирилди.

1991-йил 6-сентябрда Республика мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш рақсадида Мудофаа ишиари вазирлиги тузилди. Шу мақсадларни кўзлаб унинг таркибида 1992 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси миллий гвардия бригадаси барпо этиш лозим деб топилди. 1992-йил июлида у Мудофаа Вазирлигига бўйсундирилди.

Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан шуғулланувчи давлат идоралари тизимида тубдан ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатда 1990-йил декабрда Давлат режа қўмитаси Иқтисод комиссиясига айлантирилди. 1992-йил 5-августда эса ушбу қўмита ва статистика давлат қўмитаси негизда Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳамда жойларда унинг тегишли

идоралари барпо этилди, 1997-йилдан ушбу кўмита Макроиктисодиёт Вазирлигига айлантирилди.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг янги усули сифатида консернлар вужудга келтирилди. Бу аввало иқтисодий мустақиллик ва бозор иқтисодига ўтиш зарурияти билан боғлиқ бўлди. "Ўздонмахсулот", "Ўзбекнефтгаз" ва бошқа кўплаб консернлар шулар жумласидандир. 1991-йил 7-сентябрида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият нриллий банки ташкил қилинди.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан шундай хулоса келиб чиқадики, Собиқ Иттифоқ манфаатларини биринчи галда қондирувчи идоралар тугатилиб, янги шаклдаги кўмиталар, консернлар ва вазирликлар ташкил этилди. Бу билан янгича иқтисодий муносабатлар шароитида ўз миллий тараққиётига мос, ватан мустақиллигини мустаҳкамловчи бошқарув тизими вужудга келтирилди.

Ўзбекистонда давлатнинг бошқарувни тўлиқ монополия қилишдан чекланиш ва фуқаролик жамиятини вужудга келтириш, аҳоли турли табақаларининг ҳокимият тизимида иштирок этишини таъминлашнинг яна бир йўли маҳаллий давлат боқимиятларини шакллантириш эканлиги эътироф этилди.

1990-1992-йиллари Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилингунича бўлган даврда маҳаллий ҳокимият органлари тизимини шакллантириш ва иш фаолиятини такомиллаштириш, мақсадида бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Булар орасида 1992-йил 4-январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисидаги" қонун алоҳида аҳамият касб этди. Бу қонун асосида маҳаллий ҳокимият органлари тизимида бутунлай янги орган-ҳокимлик ва ҳоким лавозими таъсис этилди ва унинг вакиллик органларига бошчилик қилиши тамойиллари белгилаб қўйилди.

Ижро этувчи ҳокимият органларида боғлиқликни кучайтириш

мақсадида, вилоятлар ҳокимлари Ўзбекистон Президенти томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан лавозимига тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши ҳамда бу масалалар тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиши тартиблари белгиланди. Партия органларининг қарамлигига тушиб қолган ижро органлари-ижроия комитетлари тугатилди

Ҳокимларнинг ҳуқуқий ваколатининг асоси, аввало, Конституциянинг 99 ва 102 моддалари ва юқорида тилга олинган қонуннинг 1- моддасида белгиланган.

Конституция ва қонун нормаларини умумлаштирсак, ҳоким тегишли ҳудудда вакиллик ҳокимиятига ҳам, ижро ҳокимиятига ҳам бошчилик қилади ва айти пайтда шу ердаги мансабдор шахс ҳисобланади.

Ҳокимлар маҳаллий ҳокимиятни бошқарар эканлар, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти бошқарадиган яхлит ижро ҳокимият органлари тизими таркибига киради.

Шунингдек "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун (1993-йил, сентябр), "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги Қонун (1994-йил, май) каби ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллайдики, улар кучли фуқаролик жамиятини барпо этишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Олий Мажлис палаталарининг (2005-йил 28-январ) мажлисида демократик ўзгаришлар маҳаллий ахборот воситаларининг мусфақиллиги ва эркинлигини таъминламасдан туриб мумкин эмас деб қайд этди. 2004-йилнинг 1-январ ойига кўра мамлакатимизда 571 газета, 140 журнал, 4 ахборот агентлиги, 85 телерадио ва кабел студияси, 298 электрон ахборот воситалари ишламоқда.

Сўнги йилларда демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

2002-йилнинг 27-январидида умумхалқ референдуми ўтказилиб бунда Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш, Президент ваколатини беш

йилдан етти йилга узайтириш масалалари ҳал қилинди. 11-чақириқ Олий мажлисининг X-сессияси (2002-йил декабр) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенат тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» қонунлар қабул қилди.

2003-йилнинг 24-25-апрел II-чақириқ Олий Мажлисининг XI-сессияси Ўзбекистон республикаси Конституциясига тегишли ўзгаришлар киритади. Хусусан, Президент ваколатининг бир қисми юқори палата деб номланувчи Сенатга ўтади.

Президент Вазирлар Маҳкамаси райиси лавозимидан воз кечади; қуйи палата деб номланувчи Қонунчилик палатасида депутатлар доимий равишда иш олиб боради.

2004-йилнинг 26-декабри ва 2005 йилнинг 9-январидида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатаси сайловлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон фуқароларининг фаол иштироки ва маҳаллий ҳаинда халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар вакилларининг назоратидан ўтган сайлов натижасида қонунчилик палатасига 120 депутатлар сайланди. Булар Халқ демократик партиясидан 28 нафар, Либерал-демократик партиясидан 41, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 18, Миллий тикланиш демократик партиясидан 11, Адолат сотсиал демократик партиясидан 10 нафар депутатлар сайланди. 12 депутат ташаббускор гуруҳлардандир. Маҳаллий ҳокимият органларидан юқори палата Сенатга ҳар вилоятдан 6 нафардан жами 84 сенатор сайланди, яна 16 сенатор Президент томонидан кўрсатилган.

Мамлакатимиз янги асрга кирар экан, жамиятда сиёсий демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда янги, юқори босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида (1999 йил, 14 апрел) Ўзбекистоннинг XXI асрдаги тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишларини кўрсатиб берди. Шулардан **биринчи устивор ўналиш-мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва**

жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида:

-авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили-одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодажаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.

Давлат қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги вазифалар ҳокимият барчгт тармоқларини бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуаароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази билиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.

Фуқаролик жамияти қуришда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига катта умид боғланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов: "Биз фуқаролик жамияти қуришга интиломқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўз-ўзини бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир"-дейди.

Ўз-ўзини бошқариш органларини ташкил қилишда, шакллантиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу масалани ҳал қилишга миллий анъаналарни, тарихий қадриятларни тиклаш, аҳолининг туб манфаатларига мос келувчи йўлни танлаш нуқтаи назаридан ёндашиш бўлди. Хусусан, ўз-ўзини бошқаришда асосий таянч қилиб маҳаллалар белгиланди. Улар инсон қалбида Ватан туйғусининг шаклланишига, миллий ғурурнинг вужудга келишида, миллатчилик иллатларидан холи бўлишда катта таъсир кўрсатиб келган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти демократик жараёнларни ривожлантириш имкониятини кучайтирмоқда, бу эса ўз навбатида асосий мақсад- фуқаролик жамиятини қуришга қўмаклашмоқда.

Ўз-ўзини бошқариш муассасалари фаолиятининг кенгайтиши бевосита маҳаллаларнинг мавқеини кучайтириш билан боғлиқ. Ўз-ўзини бошқариш органлари ёки раҳаллаларнинг вазифаси, аҳолини давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиш билан чекланиб қолмайди. Уларнинг муҳим вазифаси ҳар бир шахснинг онгини, маънавий камолатини ошириш учун, миллатчилик, маҳаллийчилик каби салбий жиҳатларни йўқотиш учун иш олиб бориш ва миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналарга, Ватанга, давлатга ва бошқа фуқароларнинг манфаатига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашдир.

Шунингдек, маҳаллаларда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ёрдамга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатмоқда. Бу жамғарма 1994-йилда 200 га яқин шахс ва оилага 41 минг 189 сўмлик ёрдам кўрсатган.

Фақат Ўзбекистонга хос бўлган ва айнан маҳалла билан боғлиқ бўлган "Корхона-маҳалла" иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш масаласи катта умид уйғотмоқда. 1995-йили давомида республика бўйича шу турдаги 204 та кичик ва хусусий корхона ташкил қилиниб, уларнинг фаолияти орқали 3300 киши иш билан таъминланган.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999-йил 13-январда "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида"ги фармони ижтимоий ҳимоя соҳасида ўз-ўзини бошқариш органларига янги ваколатлар беришни кўзда тутди: 1) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ижтимоий рўлини ошириш; 2) ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш; 3) муҳтож оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад кўрсатишни такомиллаштириш.

Давлат томонидан бажариладиган вазифаларни фуқароларнинг ўз-ўзини

бошқариш органларига ўтказилиши, нодавлат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, ундаги жамоа руҳи ва табиатини мустаҳкамлашни, самарадорлигини оширишни талаб қилади. 1999-йил апрел ойида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири айнан шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистонда маҳалла тимсолида ўз-ўзини бошқарувчи ижтимоий ташкилотларнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлиб келган. Маҳаллаларда ободончиликка, халқнинг маъмурлигига, эл-юрт фаровонлигига хизмат қиладиган ишлар сони кўпайди. Маҳалла давр ўзгаришларига, талабларига мослаша бошлади. Қадимий ва навқирон маҳалла жонланиб, унга файз кирди.

Ўз-ўзини бошқарувнинг молиявий фаолиятини мустаҳкамловчи чоралардан яна бири-аҳолига комплекс тарздаги савдо, майиший ва маданий хизматлар кўрсатадиган гузарлар фаолиятидир.

Бундай иқтисодий эркинликлар фуқароларда мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотларга ишончини мустаҳкамлайди. Шунингдек, ҳар бир шахснинг фикри, овози эътиборга олинishi, уларни фуқаролик жамиятининг аъзоси эканлигини ҳис қилишлари учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Олий Мажлис II чақириқ 1-мажлисида (2000-йил 22.01) Президент И.А.Каримов Ўзининг "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз" номии маърузасида ушбу масаланинг долзарблигини шундай уқтиради:

Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг Ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур.

Бу борада Ўзини-ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги

ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан мана шу масала ташкил этади.

2003-йилнинг ноябр-декабр ойларида фуқароларнинг Ўзини-ўзи бошқариш органларига (махаллаларга) навбатдаги сайловлар бўлиб ўтди. Рўйхатга олинган сайловчилардан 12.млн.дан ортиқ киши, яъни 97% овоз беришда қатнашди. (2001 йилги сайловлардан 85% қатнашган эди.). Жами 8.360 нафар оқсоқоллар ва 80 мингдан кўпроқ маслаҳатчилар сайланди.

Давлат ҳокимияти тизимига кирувчи ҳокимиятлардан бири суд ҳокимиятидир. Суд ҳокимияти бошқа ҳокимиятлар каби халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қабул қилинган қонунлар асосида Ўз ваколатларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими қуйидагича: беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар судлари, вилоят хўжалик судлари, ҳарбий судлар.

Мазкур судларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонунида баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди-фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Шу билан бирга оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган бир гуруҳ шахсларга; олдин судланмаганларга, бирон бир жойда ишламасдан, мўмай пул топиш йўлига ўтиб кетганларга нисбатан белгиланган жазоларни қонун кучидан тўла фойдаланилмаган ишларнинг жазо қисмини енгил деб бекор қилиб, оғирроқ жазолашга ўз кўрсатмасини беради.

Республика Олий суди 1994 йилда 149 кишига нисбатан қуйи судлар томонидан тайинланган жазолар оғир деб топилганлиги сабабли ҳукмлар ўзгартирилиб, жазолар қисқартирилган бўлса, 1995-йилда 247 кишига

нисбатан жазолар оғир деб топилиб, ҳукмлар ўзгартирилди, 25 шахсга нисбатан жиноий ишлар судланганларнинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилди.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун 1994-йилда қуйи судлар томонидан 89 кишига нисбатан белгиланган жазолар енгил деб топилиб, ҳукмлар бекор қилинган бўлса, 1995-йилда 70 кишига нисбатан қуйи судлар белгиланган жазолар енгил деб, ҳукмлар бекор қилинди ва янгидан суд мажлисида кўриш учун юборилди.

Ўзбекистонда суд тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятини шакллантиришда ҳам бир мунча ишлар қилинди. Суд тузилиши ва судлов ишларини юргизишга оид барча демократик конституциявий тамойиллар янада ривожлантирилди. 1995-йил 30-августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти - ҳаракатлар ва қарорлар устида судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Республика хўжалик судлари истиқлолнинг сўнгги йилларида ўзларининг фаолиятини аниқ иқтисодий вазифалар билан боғлаб олиб бормоқда. Хусусан хўжалик судлари 1995-2000 йилларда жами 128.000 низоларни кўриб чиққан ва 271,4 млрд. сўм маблағни даъвогарларга ундириб берган. Кейинги 6 йил мобайнида хўжалик судларининг қарорлари асосида давлат божи ва жарималар ҳисобидан республика бюджетига 4,3 млрд. сўм маблағ ундирилган.

2000-йилнинг 1-ярмида мазкур тизимда 17.000 дан зиёд иш кўриб чиқилди. Натижада, 53,4 млрд. сўмиик ҳажмдаги зарар даъвогарлар фойдасига ундириб берилди. Мамлакат бюджетига 550 млн. сўм тушум туширилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ VI сессиясида (2001-йил 29-август) "Адолат қонун устиворлигида" номли маърузасида соғлом жамият учун жиноятчини жазолашдан кўра, жиноятнинг олдини олиш муҳим эканлигини уқтириб ўтди.

Маърузада Ўзбекистоннинг дераократия ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожлантиришнинг ўтган ўн йил ичида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида содир этилган туб ўзгартиришларнинг муҳимлиги таъкидланиб, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсонпарварлик, адолат, ҳуқуқий фуқаролик жамияти принципларига мувофиқ равишда эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Давлатимиз раҳбари судлар фаолиятига баҳо бериб "Суд бугунги кунда аввалгидек, ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларни ишончлж тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда",-деди. Шунингдек, маърузада суд ҳокимияти тизирнидаги камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада Президент: "...афсуски судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгараяпти. Энг аввало жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адоиат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур"-дейди. Маърузада Жиноят ва Жиноят-протсессуал кодексларига киритилаётган ўзгаришлар, масалан, 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш, 12 турдаги жиноятни оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, 7 турини эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш ҳақидаги таклифлар баён қилинди. Шунингдек, иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири ўлим жазосини жиноийжазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммолар, қонунчилигимизда жиноий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазосини қўллаш тартибини

кайта кўриб чиқиш, вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан кўлланиладиган жазо тизимини қайта кўриб чиқиш, жиноят ва жиноят-протсессуал қонунчиинигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш каби долзарб вазифалар ва таклифлар моҳияти чуқур баён қилиб берилди. Жиноят ва Жиноят-протсессуал кодексларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар жиноий ишларга тааллуқли қонунларни эркинлаштириш ва демократлаштириш сари ташланган муҳим ҳамда маъсулиятли қадам эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ВИ сессиясидаги маърузаси юзасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қабул қилган қарорининг 2 бандида шундай дейилади:

"Маърузанинг жиноий жазоларни либераллаштириш, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш сари қаратилган йўлни ҳаётга татбиқ этишга (доир дастурий хулосалари прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар фаолияти учун асос қилиб олинсин."

Инсоният тарихида янги давр-инсон ҳуқуқлари даври бошланди. гирлашган Миилатлар Ташкилоти 1995-2005 йилларни куррамизда "Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги" деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг маърузаларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш; 2. инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган тараойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш; қабул қилинган. 3.қонунларга оғишмай амал қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш; 4. судлов ислоҳотини амалга

ошириш йўли билан суд тизимини демократлаштириш; 5.аҳоли айниқса ёсблар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг бирдан бир зарурий шарти суд-ҳуқуқ органларининг ишларини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришни жадаллаштиришдан иборат. Судлар фаолиятига прокуратуранинг аралашмаслиги, прокурор ва адвокатларни ҳуқуқларини тенглаштириш, судларнинг тарбиявий ролини ошириш лозимлигини таққослаб кўрсатади. И.Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида (2005й. 28 январ).

Хавфсиз жиноятларни маъмурий чоралар билан алмаштириш натижасида сўнгги 2,5 йил давомида 11 рилрд. сўм ундирилди. Ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда Ўзбекистонда 158 киши камокда муддатини ўтамоқда. Бу кўрсаткич АҚШда 715, Россияда 584, Украинада 416, Қозоғистонда 386 кишидан иборат.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қомжнчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 40 га яқин халқаро шартномага қўшилди ва уларга бизнинг мамлакатимизда ҳам амал қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча республика аҳолисининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказини тузиш тўғрисида" 1996-йил 31-октабр фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси 1997-йил 29-августда "Жамият

ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастури"ни тасдиқлади. Дастурда: "Жамият ва давлат тараққиётини ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларини ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Миллий дастурнинг мақсад аҳамияти аҳолининг барча қатламларини ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг камровли мунтазам тизимини яратишдир"-деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида" (1997-йил, 25-июн) фармони эълон қилинди. Ушбу фармоннинг 1-бандида шундай дейилади:

"Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидари олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин".

Республикада истиқлол йиллари миллий давлатчиликни барпо этиш борасида собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимига, унинг ҳокимият ва босбқарув органларига барҳам бериш билан бир вақтда давлат ва жамият ҳаётининг янги демократик ҳуқуқий асослари яратилди.

Демократиянинг энг муҳим тамойили одарнларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш учун зарйр ҳуқуқий шарт-шароит, қонуний асос яратишдир. Шу боис мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишни таъминловчи сайлов тизимини шакллантириш ва уни қонун билан мустаҳкамласб борасида талай ишлар қилинди.

1991-йил ноябрида Парламент "Ўзбекистон Республикасининг

президенти сайлови тўғрисида"ги қонунни қабул қилди. Ушбу қонун билан бирга Олий Кенгаш 1991-йилда "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги қонунни ҳам қабул қилди. 1991-йил 29-декабрида муқобиллик асосида Ўзбекистон тарихида биринчи марта республика президентлигига сайловлар ўтказилди.

Конститутсиямиз асосида 1993-йил 28-декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, 1994-йил 5-майда қабул қилинган "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун ва нихоят "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлари ўзбек сайлов қонунчилиги тизимини ҳуқуқий асосларини ташкил қилади.

Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги алоҳида қонун қабул қилинганлиги сайловларни тўғри ташкил қилиш, сайлов қонунларини тўла ишлашига имконият яратади ва қонунларни назорат қилишни кучайтиришда ҳамда сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишда давлат ҳокимияти органларининг ортиқча аралашувини чеклайди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларни таҳлил қилсак, унда жаҳон сайлов тажрибасида эришилган энг демократик тартибларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиш билан бирга, Ўзбекистон сайлов тизимига хос бўлган хусусиятларнинг ҳам беигиланганлигини кўрамиз. Бу Ўзбекистон сайлов тизимидагина хос хусусиятдир.

Сайлов тизимини ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон-келажаги буюк давлат" деган сиёсий дастурида асосланиб берилган мақсад томон ҳаракатнинг яна бир муҳим босқичи, деб тушунрақ керак.

Бизнинг сайлов қонунчилигимиз кўпгина халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар томонидан ўрганилмоқда.

Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тегишли экспертлари ҳам Ўзбекистон сайлов қонунчилиги моҳияти демократик

эканлигини, унинг сайловларни ташкил этиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқни тан олинган тамойилларига мос келишини таъкидлайдилар.

Россия Федератсияси Марказий сайлов комиссияси қошидаги илмий-методик кенгаш аъзоларидан бири:

"Мен кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонунларни ўрганиб чиқдим. Шунини алоҳида таъкидлашим лозимки, амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунларингиз жаҳон андохалари даражасида ишлаб чиқилган бўлиб. Бу қонунлар амалиёти ўз олдига ҳуқуқий давлат барпо этишдек улкан вазифа қўйган давлат учун таянч бўлаолади", - дейди.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида фуқаролар ўзларининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат ва жамият ишларини бажариш уларни идора этишда фаол қатнашишти орқаси амалга оширилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининга, такомиллаштиришида катта аҳамият касб этмоқда. Истиқлол йиллари вужудга келган сиёсий партиялар ўз фаолиятида ўзбек халқининг энг яхши демократик анъаналарига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда ғояларга, ахлоқий ва одамийлик қоидаларига суянади. Улар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Сиёсий партиялар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси 1996-йил 26-декабр қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек ўз дастурларига асосан амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Кўппартиявийлик демократик тараққиёт йўлида эришган муҳим ютуқлардан биридир.

Биринчидан, демократик фуқаролик жамияти қурилишида сиёсий партиянинг ўрни ва роли мунтазам равишда ёритиб боради; иккинчидан,

фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этишда кўппартиявийлик тизими муҳим демократик институт ҳисобланади; учинчидан, давлат бош ислохотчи сифатида сиёсий партияларининг фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга; тўртинчидан, сиёсий партияларсиз вакиллик демократиясини тасаввур этиб бўлмайди; бешинчидан, сиёсий партияларнинг ўрни ва мавқеи уларнинг сони ёки вақт билан белгиланмайди; олтинчидан, мамлакатда амалда кўппартиявийлик муҳити қарор топиши янги ғоялар, муқобил таклифлар билан демократик жамият қурилишига хизмат қилиши лозим.

Кўппартиявийлик асосида сайловлар ўтказиш қуйидагиларни билдиради: ҳуқуқий жихатдан рўйхатга олинган барча сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиш; Конститутсия ва қонун таъаблари доирасида ўз номзодларини Олий Мажлис депутатлигига кўрсатиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароитини яратиш; сиёсий партияларнинг барча даражалардаги сайлов комиссияларининг ишида қатнашиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароит яратиш; Олий судга зарур ҳолларда эса Конститутсиявий судга Олий Мажлисга сайловлар ҳақидаги қонуннинг бузилиши фактлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидир.

Халқ демократик партияси сиёсий партия сифатида мамлакатда биринчилардан бўлиб 1991-йил 1-ноябрда ташкил топди. 440 минг аъзога эга бўлган бу партия И-чақириқ Олий Кенгашга 69 депутат сайлади. ИИ-чақириқ Олий Мажлисга 48 депутат сайлади. Аъзоларининг сони 2001-йилнинг 1 майига келиб, 557 минг 168 та бўлди.

Мақсади-Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қафи назар моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириш учун кенг имконият яратиш, кишиларнинг конститутсион ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати, тинч ҳаёт кечиришини ҳимоя қилиш.

"Ватан тараққиёти" партияси 1992-йили 24-майида ташкил топган

бўйиб, 35 минг аъзоси бор эди. 1 чақириқ Олий Кенгашга 14 депутат сайланди. ИИ-чақириқ Олий Мажлисга 20 депутат сайланди.

Мақсади-Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий- маънавий асосларини барпо этиш, юртимизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш.

Ўзбекистон "Адолат" сотсиал-демократик партияси (СДП) 1995-йили 18-февралда ташкил топди ва 30 минг аъзога эга бўлди. Олий Кенгашдаги фракциясига 47 депутат бирлашди. "Адолат" СДП сининг ҳозирда 33 минг аъзоси бўлиб, улардан ИИ чақириқ Олий Мажлисга 11 депутат сайланди.

Мақсади - Мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамиятда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, юксак маънавият ва маърифатни қарор топтиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси 1995 йил 3 июнда ташкил топди. МТДП аъзоларининг сони дастлаб 6 мингта бўлиб, ҳозирда 11 мингдан ошди. ИИ чақириқ Олий Мажлисга бу партиядан 10 киши депутатликка сайланди.

Мақсади-Миллий манфаатлар заминидаги янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш, Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш учун халқни сафарбар қилиш.

Фидокорлар миллий демократик партияси 1998 йил 28 декабрда ташкил топди. Унинг 20 минг 500 аъзоси бўлиб, ИИ чақириқ Олий Мажлис депутатларининг 34 нафари Фидокорлар миллий демократик партиясига мансуб аъзолардир. ФМДП билан "Ватан тараққиёти" партияси 2000 йилнинг 14 апрелида бирлашди ва 54 депутат Олий Мажлисида Фидокорлар Миллий Демократик партияси фракциясини тузди.

Мақсади - эркин бозор иқтисодига суянган очик, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, эл-юрт ҳаёт даражасини

тараққий топган давлатлар ва халқлар даражасига кўтариш, жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллашига амалий ҳисса қўшиш.

Ўзбекистонда "Халқ бирлиги" ҳаракати ҳам 1995 йил июндан фаолият кўрсатмоқда.

Ҳаракатнинг асосий мақсади - кўп миллатлик мамлакатда халқлар бирлигини янада мустаҳкалаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини тўла-тўқис амалга ошириш ва фуқаролик, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришдан иборат.

Мустақиллик йилларида шаклланган ушбу партияларнинг дастурларида соғлом муҳолифатчилик кўринмайди. Фақатгина Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси дастурида жамиятда учраб турган айрим конунсизликлар, суистеъмолчилик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, ақидапарастлик иллатларига нисбатан муҳолифатда бўлиши таъкидланган, холос.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш вазифалари кўндаланг бўлиб турган бугунги кунда партиялар ўз ўринларини аниқ топишмоқдалар.

Шу нуқтайи назардан ёндошганда ҳаракат дастурларида ўзаро яқинлик бўлганлиги сабабли ҳамда демократик жараёнларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда "Ватан тараққиёти" партияси билан ФМДПнинг ўзаро бирлашиши ҳам шу руҳни ўзида акс эттиради.

Мустақиллик йилларида республикада жамоат ташкилотларининг сафлари ошиб, имкониятлари кенгайди.

Мустақилликнинг дастлабки беш йилида жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар сони 1500 тага кўпайиб, уларнинг сони 2300 тага етди: улар фақат аҳоли фикрларининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари 7,5 млн. аъзони бирлаштириб, жамиятда туб ислохотларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси 1991-йил 1-мартда ташкил топди. Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик жараёнларда аёлларни фаол иштирок этиши, хотин-қизларни маънавий-маърифий тарбиялашда муҳим рол ўйнамоқда.

Шунингдек "Нуроний", "Устоз", "Улуғфаек", "Умид", "Хотира" ва шу каби кўплаб жамғармалар нодавлат ташкилотлар сифатида республикамизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда катта ҳиссаларини қўшмоқда.

2001-йилнинг 24-январида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов "Камолот" жамғармаси фаолларини қабул қилди ва ёшларнинг бу ташкилотини раустақиллик давридаги ролини ошириш вазифасини қўйди ва "Камолот" жамғармаси ёшларнинг ҳақиқий етакчиси, уюштимвчиси ва бошқарувчи оммавий ташкилотга айланишини зарур деб топди.

2001-йилнинг 25-апрелида Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида Республика ёшлари вакилларининг биринчи қурултойида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилди. Қурултойда ижтимоий ҳаракатнинг низоми ва дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан буён Республика Президенти ва ҳукумати томонидан чуқур ўйланган миллий сиёсат амалга оширилмоқда.

Давлат умуммиллий сиёсатига миллий сиёсатдан ташқари иқтисодий ва сотсиал, илмий-техника, таълим ва соғлиқни сақлаш, халқаро муносабатлар (ташқи сиёсат) миллий хавфсизлик ва бошқа сиёсатлар қиради.

Ўзбекистон умуммиллий сиёсатининг катта тизимида миллий аҳоли сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Бу сиёсат диққат марказида миллатидан қафи назар инсон туради. Бунда миллий аҳоли сиёсати республика аҳолисига хос сифат кўрсаткичларини яхшилашни кўзда туттади.

Ўзбекистон полиетник, яъни кўп элатли давлат турига мансуб бўлиб,

давлатга ўз номини берган миллат - ўзбеклар (1996-йил 1-январ ҳолатига кўра - 76,4%) - аҳоии сони бўйича кўпчиликни ташкии қилади.

1999-йилга келиб бу мувозанатда қисман ўзгариш бўлди. Мамлакатимизда ўзбеклар аҳолининг деярли 80 фоизини ташкил этса, қолганлар эса кам сонли миллатлар вакиллари дир.

"Ижтимоий фикр" маркази тораонидан республика Байналмилал маданий рнарказ ҳамда миллий маданий марказлар вакиллари иштирокида "Мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг - элатлараро ва конфессиялараро муносабатлари" юзасидан 1999 йил 14-18 ноябрда сотсиологик сўров ўтказилди. унда ўз фаолияти билан 150 мингдан ортиқ кишини ва йирик миллий гуруҳларни қамраб олган 24 та Миллий маданий марказ иштирок этди. Унга кўра қуйидагича асосий хулосалар чиқарилган:

- Ўзбекистондаги барча этник гуруҳлар учун энг асосийси. Ўзбекистонни Ўз ватани деб ҳис этишдир;

- турли элатлар ва конфессиялар вакиллари ўзаро ҳурмат, тушуниш ва тўла келишувчанлик муҳитида фаолият кўрсатмоқдалар;

- Ўзбекистон фуқаролари, уларнинг митлатидан қафий назар, мустақил Ўзбекистондаги элатлараро келишув ва мослашувчанлик феномени-давлатимиздаги барқарорлик ва фуқаролар тинчлигининг энг муҳим 1 факторларидан биридир, деган ягона фикрдалар;

- фуқароларнинг миллатларидан қафи назар уларнинг ҳуқуқий тенглиги, иқтисодий ва ижтимоий эркинлиги учун давлат томонидан барча шароитлар яратилган;

- туб миллат бошқа этник гуруҳлар билан биргаликда умумижтимоий тафаккурни шакллантириш жараёнларини тезлаштириш ва рағбатлантиришнинг улкан салоҳиятини ташкил этади, юзага келган миллатлараро муносабатлар эса тинчлик ва барқарорликни, ҳар бир оилага муносиб ҳаётни таъминлаш кафолати бўлиб хизмат қилади;

- келажакда башорат этиш мумкинки, Ўзбекистондаги элатлараро ва конфессиялараро мутаносиблик ўзбек халқининг маънавий янгиланиши ва

миллий тафаккурнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятнинг янгиланиш ва унинг демократиялашувида кучли тurtки бўлиб хизмат қилади, "республиканинг жаҳон ҳамжамоатчилиги биан интегратсияси учун қулай шароитлар яратади"

Маълумки, дунёдаги барча мамлакатларда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутди. Газета ва журналлар, радио ва телевидение воситалари ҳар бир давлатда омма билан ҳокимият ўртасида ўзига хос алоқа воситаси, ошқораик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи рол ўйнаганлиги учун ҳам уларга тўртинчи ҳокимият тусини бериш оммалашган. Давлат бошқарув органлари демократияринг муҳим таянчи бўлганлиги учун ҳам оммавий ахборот воситалари билан маслаҳатлашишга, таклифларини эътиборга олишга мажбурдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Сензурага йўл қўйилмайди",-дейилган. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, эркинлигини кўрсатиш, уларнинг халққа садоқат билан хизмат қилиши алоҳида таъкидланади.

Совет тузуми барча тоталитар ва авторитар тузумлар каби оммавий ахборот воситаларини муҳим ташвиқот ва тарғибот воситалари ҳисоблар эди ҳамда матбуотдан, радио ва телевидениедан айнан шу мақсадда-халқни лскоммунистик мафкурани керакли йўналишда тарғиб ва ташвиқ қилишда фойдаланди.

Оммавий ахборот воситалари мустабид тузимга бўйсунган бўлиб, бир хил фикр, бир хил қараш барча газета ва журналларга хос эди. Бу кишиларимизни фикрий қоқ қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни мамлакатимиздаги барча газета ва журналлар, радио ва телевидение воситаларини дунё миқёсига олиб чиқиш учун хизмат қилувчи асосий дастурга бўлди.

Ўзбекистонда 2001-йил 1-январгача-390 та газета; тажурнал; 2 та ахборот агентлиги; 52 та телестудия; 5 та радиостудия; 3 та телерадиостансиялар каби оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлиб, улар эркин фаолият кўрсатмоқда.

Олий мажлисининг палаталарининг (2005-йил 28-январ) мажлисида демократик ўзгаришлар маҳаллий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминламасдан мумкин эмас деб қайд этди.

2004-йилнинг 1-январ ойига кўра мамлакатимизда 571 газета, 140 журнал, 4 ахборот агентлиги, 85 телерадио ва кабел студияси, 298 электрон ахборот воситалари ишламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан яна икки Қонун: Ўзбекистон Республикасининг "Журналистлик касбини ҳимоя қилиш тўғрисида" ҳамда "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида" Қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар том маънода кўплаб тараққий этган мамлакатларда ҳам мавжуд бўлмаган қонунлардир. Ушбу қонунлар фуқароларнинг ахборот қидириб топиш, олиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини тўла миқёсда таъминлайдиган ҳуқуқий қурол бўлиб, аҳоли учун ахборот олиш ва етказишнинг бош воситачиси деб қаралувчи журналистнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асосни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов оммавий ахборот воситаси тўғрисида И чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (1996-йил, август) 6-сессиясида шундай деган эди:

"Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиши учун улкан аҳамиятга эга. Бироқ шуни ҳам эътироф этиш керакки, демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситасининг фаол роли сезилмаяпти.

Улар шу пайтгача ўзларини "тўртинчи ҳокимият" сифатида намоён қилганлари йўқ".

Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситалари мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабидлик ва боқимандалик психологияси йўлида

мустаҳкам ғов бўлиб, қонунчиликни рўёбга чиқариш ислоҳотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг хорижий оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатиш масаласи ташқи сиёсий фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Чунки Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қанчалик тез кириб бориши ана шу ахборот воситалари тарқатадиган хабарларининг тўғрилигига боғлиқ.

Айни пайтда шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни вақтда улар жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

1997-йил 27-май куни Миллий матбуот марказида "Журналистларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини ошириш - давр талаби" мавзусида анжуман бўлди.

Матбуот, радио ва телевидение сиёсатга таъсир кўрсатиш, сиёсий жараёнларнинг таркибий қисмига ҳамда миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини кенг халқ оммасига етказишнинг жамиятни демократиялаштиришнинг ўткир қуролига айлантириши лозим. Шундагина тўла маънодаги тўртинчи ҳокимият-оммавий ахборот воситалари тизими вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида телевидение ва радио ролини кўтариш тўғрисида"ги 1997-йил 7-майдаги Фармони юқорида кўрсатилган масалаларни меъёрий тартибга солишда кўриладиган чора-тадбирларнинг оммавий ифодаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида яратилган бошқарув тизими ва унинг қонунчилик асослари, фуқаролик жамияти мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этилганлигини кафолатлайди. Зеро, Президент И.Каримовнинг Олий Мажлис

II чакірик IX сессиясида сўзлаган нутқи (2002-йил, 29- август), Қонунчилик палатаси ва Сенат қўшма йиғилишидаги маърузасида (2005-йил, 28-январ) оморнавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш тўғрисида амалий таклифларни илгари сурди.

Назорат учун саволлар

1. Мустақил Ўзбекистонда дастлаб қандай сиёсий ислохотлар амалга оширишдан бошланди?
2. Миллий давлат тизимининг барпо этилиши, бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши қандай?
3. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини тушунтириб беринг?
4. Жамиятни демократлашувида оммавий ахборот воситаларининг роли қандай?
5. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар бу...?

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Karimov I.A. O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li. Toshkent-1992.
2. Karimov I.A. O'zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura. T., 1996.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. T., 2008.
4. Levitin D., Karlayl D., Islom Karimov yangi O'zbekiston Prezidenti. T., 1996.
5. Murtazaeva R va b. O'zbekiston tarixi. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. T., 2003, 2005.
6. Usmonov Q va b. O'zbekiston tarixi. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. T., Moliya-iqtisod. 2006.
7. O'zbekiston Konstitutsiyasi. T., 2002.
8. G'ulomov S., Usmonov Q., Milliy mustaqillik O'zbekistonga nima berdi. T., 2000.
9. O'zbekistonning yangi tarixi. III jild. Mustaqil O'zbekiston tarixi. T., 2000.

3-мавзу: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши. (2 соат)

Режа:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши.
2. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш.
3. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.
4. 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг яқунлари ва истиқболлари.

***Таянч сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси, беш устувор йўналиш, ислоҳот, ривожланиш, қарор, фармон, халқ, фаровонлик, иқтисодий юксалиш, ижтимоий соҳа, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат, миллатлараро тотувлик, яхши қўшничилик.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 7 феврал куни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлади.

Жаҳон тажрибаси ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўз тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлиши умумий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш гарови эканини кўрсатди. Ўзбекистон миллий мустақилликка

эришганидан кейин ўз миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаш, ривожланишнинг ўзбек моделини яратиш имконига эга бўлди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси: ижтимоий ҳаётда амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча

соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

1. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қўидагиларни назарда тутадиган **2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**(кейинги ўринларда—Ҳаракатлар стратегияси) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий

иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва

ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

пензионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;

одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш,

уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш: узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва

жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини куриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш: жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига

жалб этиш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, худудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;

атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;

фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар: давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш,

мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2020 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг маълумотлари

Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ўсиш

2019 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиш суръати 5,4 фоиз белгиланган прогноз кўрсаткичи ўрнига 5,5 фоизни ташкил этди ҳамда 2018 йилда эришилган 5,1 фоиз кўрсаткичидан юқори бўлди. ЯИМ ўсиш суръати асосан саноатнинг 6,4 фоизга (прогноз – 5,2 фоиз), қурилиш 11,8 фоизга (8,4 фоиз) ва хизматларнинг 6,1 фоизга (6,3 фоиз) ошиши ҳисобига таъминланди. Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 1 741 долларни ташкил этиб, 2018 йилга қараганда 13,6 фоизга ошди (2018 йилда – 1 533 доллар). 2017 йилда миллий валютанинг икки марта қадрсизланишига қарамасдан, 2019 йилда доллар эквивалентидаги ЯИМ ҳажми деярли девальвация амалга оширилган даврдаги кўрсаткични қайд этди. *Маълумот учун: номинал ЯИМнинг доллар эквивалентидаги ҳажми 2017 йилда 59,1 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилда қарийб – 58,3 млрд. долларни ёки 99 фоизини ташкил этди. 2018 йилда эса 50,5 млрд. долларни ташкил этган эди.*

ЯИМ умумий ўсишида 1,9 фоиз банди хизматлар, 1,5 фоиз банди саноат, 0,9 фоиз банди қишлоқ хўжалиги, 0,6 фоиз банди қурилиш ва 0,6 фоиз банди маҳсулотга соф солиқлар ҳиссасига тўғри келди. Иқтисодий ўсишнинг

барқарорлиги иқтисодиёт тармоқлари томонидан ялпи тақлиф ва ички талаб ўртасидаги ўзаро мувозанати, инвестицияларни юқори суръатда яъни 28,6 фоизга ҳамда аҳоли реал даромадларини 10 фоизга ўсишини қўллаб-қувватлаш ҳисобига таъминланди. Шу билан бирга, эришилган натижаларга қарамадан, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичидан анчагина орқада қолмоқда ва демографик ҳолатни инобатга олганда иқтисодиёт қамров даражасининг пастлиги, аҳоли даромадлари ва жамғармаларининг чекланганлигидан далолат беради. Меҳнат бозорида кучли демографик босимнинг сақланиб қолиниши ва натижада, етарли миқдордаги иш ўринларини яратиш муаммоси ишсизлик даражасини камайтириш масалаларини ҳал этишни мураккаблаштиради. Мураккаб вазиятнинг асосий сабаблари қуйидагилар ҳисобланади: Биринчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш жараёни жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, узок муддатни талаб этади; Иккинчидан, бозор иқтисодиётини шакллантиришда фундаментал характерга эга бўлган муаммолар хусусан, мулкчиликка бўлган муносабат, товар ва хизмат бозорларини монополиядан чиқарилиши, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг натижаларини тақсимлаш ҳамда фуқаролик жамиятини бошқариш жараёнларига имкони борича кўпроқ аҳолини жалб қиладиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда инклюзив институтларни шакллантириш тўлиқ ҳал этилмади. Инфляция даражаси 2019 йилда 15,2 фоизни ташкил этди (прогноз - 15,5 фоиз). Йил давомида *озиқ-овқат товарлари* 18,6 фоизга ошди, хусусан, нархларнинг эркинлаштирилиши натижасида 1-навли буғдой унидан тайёрланган нон ўртача 44,6 фоизга ҳамда гўшт маҳсулотларидан мол гўштининг нархи 26,6 фоизга қимматлашди.

Ноозиқ-овқат товарлар нархлари 10,9 фоизга ўсиб, улар орасида инфляция даражасининг ўсиши автотранспорт воситаларига ёнилғи нархларининг 20,8 фоизга ошиши билан боғлиқ.

Хизматларга тарифлар 15,2 фоизга ўсиб, бунда асосан тартибга солинадиган тарифлар яъни уй-жой коммунал тўловлари ўртача 17,8 фоизга,

Олий таълим муассасаларида тўлов шартнома асосида ўқиш 30,6 фоизга ошган.

Инфляция даражасининг юқори бўлишига йўл қўймаслик учун чекловчи чоралар кўрилиб, бунда товарлар бозорида рақобат муҳитини чекловчи, манзилли ва индивидуал характердаги солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш амалиёти бекор қилинди. 2019 йилда юқори инфляция даражасини сақланиб қолишининг асосий сабаблари, тартибга солинадиган нархларнинг эркинлаштирилиши (3,6 фоиз), миллий валюта курсининг девальвацияси (3,7 фоиз), иқтисодиётга кредит қўйилмаларининг ўсиши, давлат бюджети тақчиллиги ва иш ҳақи (4,1 фоиз), инфляция кутилиши (2,1 фоиз) ва бошқа омиллар (1,7 фоиз) ҳисобига тўғри келди.

Инфляцияга таъсир этувчи таркибий омиллардан келиб чиқиб, 2020 йилда нархларнинг ўсиши прогноз параметрларини таъминлашнинг асосий йўналишлари: тариф сиёсати билан биргаликда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини монополиядан чиқариш ва таркибий ўзгариш жараёнларини фаоллаштиришни; кредитларнинг ўсишини (25 фоиз) прогноз доирасида таъминлашни; ҳаддан ташқари давлат бюджети тақчиллигининг ўсишига йўл қўймасликни талаб этади. Бундан ташқари, банк тизимида директив кредитлаш амалиётидан воз кечиб, молия бозорида рақобат муҳитини яратишга қаратилган ислохотлар давом эттирилади.

Шунингдек, иқтисодиётда меҳнат унумдорлигини ўсишига мувофиқ иш ҳақи миқдорини оширишга ўтилишини таъминлаш, бизнес ва аҳоли ўртасида энергия ресурслари тарифларининг ўсиши тўғрисида хабардорликни ошириш чораларини кўриш лозим.

Умуман олганда, ваколатли органлар инфляцияни пасайтириш тамойилига таянган ҳолда, самарали таркибий ўзгаришларни, инвестиция фаоллигининг ўсиши ва иқтисодий ўсишдан олинган даромадларни инклюзив тақсимлаш омиллари орқали амалга оширади.

Давлат бюджетининг ижроси 2019 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари 137 трлн.сўмни (ЯИМга нисбатан

26,1 фоиз) ёки 2018 йилга нисбатан 27 фоизга кўпайди (2018 йилда даромадлар 108 трлн.сўмни ташкил этган). 2019 йилда Давлат бюджети даромадлари ижроси 112,1 трлн. сўмни ташкил этиб, йил давомида белгиланган прогноз 9,5 трлн. сўмга ошириб бажарилган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 24,3 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган 19,0 трлн.сўм прогноз, 5,4 трлн. сўмга ошириб ижро этилди. Давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси даромадларининг кўпайишига қуйидаги асосий омиллар таъсир этган:

иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг реал ўсиши; олиб борилган солиқ ислохотларига мувофиқ ҚҚС, юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи, мулк солиғи ва ер солиғининг солиқ базалари кенгайиши; жисмоний шахслар даромад солиғида ягона 12 фоизли ставканинг жорий этилиши ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалининг бекор қилиниши ҳисобига иш ҳақининг сезиларли ўсиши ҳамда солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш муносабати билан иш ўринларини ташкил этиш ва легаллаштириши; 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, импорт қилинган товарлар учун бир қатор божхона имтиёзлари бекор қилинди.Импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши муносабати билан қўшимча даромад 828 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда асосан, ёғоч маҳсулотлари - 220 млрд. сўм ва автомобилсозлик саноати - 213 млрд. сўмни ташкил этди. 2019 йилда Консолидациялашган бюджетнинг (Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари) харажатлари 144,7 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 27,6 фоиз)ни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 37 фоизга кўпайди. Улардан давлат бюджети харажатлари 117,8 трлн. сўмни (ўсиш 49 фоиз) ёки тасдиқланган харажатларга нисбатан 12,2 трлн. сўмга ортиқни ташкил этди.

Давлат бюджетининг қўшимча харажатлари асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти органларининг қарорларига мувофиқ “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларини амалга оширишга, ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш ва

реконструкция қилиш (капитал таъмирлаш) учун сарф-харажатлар ҳажмини оширишга ҳамда давлат сектори ходимларига иш ҳақи тўлашга йўналтирилган. Ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар, жумладан капитал харажатлар ҳисобга олган ҳолда 61,3 трлн. сўмни ёки давлат бюджети харажатларининг 52 фоизини ташкил этди. Давлат сектори ходимларига иш ҳақини тўлаш харажатлари ҳажми 52,5 трлн. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 39 фоизга кўпайди. Давлат қарзи билан боғлиқ хизмат харажатлари (фоиз харажатлар) 1,1 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 3 бараварга кўпдир. Консолидациялашган бюджет (Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари билан бирга) тақчиллиги 2019 йилда 7,7 трлн. сўмни ёкида ЯИМга нисбатан 1,5 фоизни ташкил қилди. Бунда давлат бюджетининг тақчиллиги ЯИМга нисбатан 1,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, бюджет тақчиллиги ҳамда 2,1 трлн. сўм асосий қарзни қоплаш харажатлари қуйидаги молиявий манбалар: 2019 йил бошига нисбатан республика бюджети ва Пенсия жамғармасининг қолдиқ маблағлари - 3,1 трлн. сўм; давлат томонидан чиқарилган облигациялар - 1,1 трлн.сўм; бюджетни қўллаб қувватлаш учун Халқаро молия институтларининг қарз маблағлари - 5,6 трлн. сўм ёки 621 млн. АҚШ доллар эквиваленти ҳисобига қопланади.

Таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш ва тармоқларни молиялаштириш 2019 йилда *марказлашмаган инвестициялар* биринчи навбатда иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга олиб келадиган ёқилғи-энергетика, тўқимачилик ва тикув-трикотаж, кимё, электротехника, заргарлик, металлургия ва бошқа саноат тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга йўналтирилди. Натижада, 145 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, иқтисодиётда саноатлашув даражаси ўсиш тенденцияси кузатилиб, ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 2018 йилдаги 26,3 фоиздан 2019 йилда 29,0 фоизга ошди. Йил якуни билан иқтисодиётга инвестициялар ҳажми 128,6 фоизга ўсиб, қарийб 21 млрд. долларни ташкил этди. Бироқ, бугунги кунда инвестициялар таркибида саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 33,4 фоизини

ташқил этганлиги юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган рақобатбардош тармоқларни яратиш учун етарли эмас. Шу ўринда, инвестиция ва экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлмай қолмоқда. Хусусан, инвестицияларнинг катта оқими, жумладан хорижий ва республиканинг тижорат банклари маблағлари кончилик тармоқларига (нефт хом-ашёси, табиий газ ва металл рудаларини қазиб олиш) тўғри келади. Қайта ишловчи саноат тармоқларида енгил саноат ва қурилиш материаллари асосий ўрин эгаламоқда. Таъкидлаш жоизки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўтган йилга нисбатан кескин ўсиши асосан нефт хом-ашёси ва табиий газ қазиб олиш, қурилиш материаллари ва енгил саноат тармоқларига йўналтирилган бўлса, юқори экспорт салоҳиятига эга бўлган машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё ва фармацевтика каби саноат тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш нисбатан паст даражада бўлди. Шунингдек, нефт ва газ, электр энергия ва ҳаво транспорти каби базавий тармоқларда бошланган таркибий ўзгартиришлар ҳали якунига етказилмади. Тарифларни ошириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшиламайди балки, соҳага қўшимча инвестициялар жалб қилишни таъминловчи нефт-газ ва электр энергия тармоқларида таркибий ўзгаришларга қаратилган чора-тадбирларни кечиктирмасдан ўз вақтида амалга оширишни талаб қилади. Иқтисодиётда саноатнинг диверсификация жараёни паст даражада сақланиб қолмоқда, бундан келиб чиқиб, ҳолатни яхшилаш учун саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган 13 та тармоқ дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш лозим. Айрим маҳсулотлар бозорида (нефт маҳсулотлари, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқалар) талаб ва таклиф ўртасида номуаносибликлар кузатилмоқда. Иқтисодиётнинг қатор тармоқларида таннархнинг юқорилиги ва меҳнат унумдорлигининг пастлиги маҳаллий маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини пасайтирмоқда. Асосий товар ва хизматлар бозорида давлат корхоналарининг

монопол мавқеи сақланиб қолинмоқда. Жумладан, Озиқ-овқат, ёғ-мой ва пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимида уларнинг иқтисодийдаги монопол мавқеини пасайтиришга қаратилган ислохотлар яқунланмади.

Марказлашган инвестициялар ҳажми ижтимоий ва саноат инфратузилмалари, шунингдек, бошқа давлат объектлар лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, 2018 йилга нисбатан 66 фоизга ошди. Вазирлик, идора ва маҳаллий бошқарув органлари капитал қўйилмаларнинг юқори ўсиш суръатларига қарамасдан, келгуси молиявий давр учун ажратилган бюджет маблағлари ҳажмига мос келмайдиган ва белгиланган муддатлар инобатга олинмасдан киритиладиган, инвестиция аризаларни тақдим этиш бўйича бюджет интизоми мавжуд эмас.

Шунингдек, айрим ижтимоий йўналишлардаги тармоқларни ривожлантириш стратегия ва концепцияларининг мавжуд эмаслиги, лойиҳа ташаббускорларига ажратилган капитал қўйилмаларни комплекс ва самарали ўзлаштиришини таъминламаяпти.

Вазирликлар, идора-бююртмачиларда лойиҳа ҳужжатларини техник тавсифларни ишлаб чиқиш тизими мавжуд эмас, бу эса бажариладиган ишлар харажатларининг асоссиз ўсишига, шунингдек, тасдиқланган ҳужжатларни ўзгартиришга олиб келади. Бундан ташқари, алоҳида лойиҳалар (объектлар) бўйича ишларни бажариш билан лойиҳа ҳужжатлар бир вақтда ишлаб чиқиш амалиёти сақланиб қолмоқда, бу эса бюджет ажратмаларини режалаштиришда зарур бўлган капитал қўйилмалар миқдорини аниқ белгилашга имкон бермайди. Ишларни бажариш вақтида лойиҳа ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги бажарилган иш ҳажми нархининг ошишига, ишлаб чиқариш ва қурилиш жараёнларини ташкил этиш сифатини зарурий назоратини заифлаштиришига олиб келади.

Ташқи иқтисодий фаолият: Саноат ўсишининг рағбатлантирувчи муҳим омилларидан бири ташқи талаб бўлиб, у экспортнинг ўсиши билан ифодаланади. 2019 йилнинг 11 ойи натижаларига кўра, товарлар ва хизматлар экспорти (*қимматбаҳо металллар ва табиий газдан ташқари*) 122,7 фоизга ва

экспортёр корхоналар сони 1 138 тага ошди. Шу билан бирга, умумий экспорт таркибида хом-ашёга йўналтирилганлик даражаси сақланиб қолмоқда (57,2 фоиз), ёки товарлар экспортида ушбу кўрсаткич 70,8 фоизни ташкил этмоқда. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан товарлар ва хизматлар экспорти 2,3 млрд.долларни (умумий экспортнинг 14,1 фоиз), шундан хизматлар экспорти 54,1 млн.долларни ташкил этди. Экспортнинг хом-ашёга йўналтирилишининг асосий сабаблари: тайёр маҳсулот таннархининг юқорилиги натижасида рақобатбардош эмаслиги (*масалан қўшни давлатлардан маиший электр техникаларини импорт қилиш, божхона тўловлари ва транспорт харажатини инобатга олган ҳолда ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларидан арзонга тушади*);

- миллий сифат стандартларини халқаро сатандартларга номувофиқлиги ёки уларни кўплаб хорижий мамлакатларда тан олинмаслиги ҳисобланади. Мева ва сабзавотлар улуши жами экспортда 7 фоизни ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 137,9 фоизга ўсди. Бунда асосий улушни сабзавотлар (38,7 фоиз) эгаллади. Ушбу маҳсулотларни экспорт қилинишига тўсқинлик қилувчи омиллар: мазкур маҳсулотларнинг сифати импорт қилувчи мамлакатнинг фитосанитар талабларига мос келмаслиги; сақлаш қувватларининг етарли эмаслиги; хорижий улгуржи ва чакана савдо тармоқлари билан алоқаларнинг йўқлиги ҳисобланади. Қайта ишлаш тармоқларида экспортнинг энг юқори ўсиш кўрсаткичи тўқимачилик маҳсулотларига (124,6 фоиз) тўғри келди. Шу билан бирга, ушбу маҳсулотлар экспортида ип калава экспортининг юқори улуши сақланиб қолинмоқда. Бунда, тармоқда GSP+ тизимига кўшилиш жараёнлари яқунланмаганлиги, аралаш газламанинг йўқлиги тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, металлургия, чарм-пойабзал саноатида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишига қарамай, ушбу тармоқлар бўйича экспорт ҳажми пастлигича қолмоқда. 2019 йилнинг январ-ноябр ойларида экспортдан тушган валюта тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 фоизга ўсиб, табиий газ экспорти билан бирга 8,4 млрд.долларга етди. Бунда, 2019 йилнинг 1 декабр ҳолатига экспорт

амалиётлари бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзи 501,7 млн.долларни ташкил этди. 2019 йилнинг 11 ойида товарлар импорти ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,5 млрд.долларга ўсиб, 19,8 млрд. долларни ташкил этди. Унинг таркибида асосий улушни машина ва ускуналар, шу жумладан бутловчи ва эҳтиёт қисмлар (44,1 фоиз), кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (13 фоиз), шунингдек озиқ овқат маҳсулотлари (7,6 фоиз) эгаллади. 2019 йилнинг январ-ноябр ойларида импорт тўловларининг суммаси 18,6 млрд.долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32 фоизга ўсган. Бунда, 2019 йилнинг 1 декабр ҳолатига импорт амалиётлари бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзи 490,8 млн.долларни ташкил этди.

Назорат саволлари:

1. “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да Таълимни ислоҳ қилиш қайси йўналишда кўрсатилган ?
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг маърузаларида жамият масалалари бўйича илгари сурилган устувор вазифалар нималардан иборат?
3. 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг якунлари ва истиқболлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ш.Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” Ўзбекистон Т.2017.
3. Ш.Мирзиёев “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” Ўзбекистон. Т.2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган

Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабр.

6.Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. -Т.:“Ўзбекистон”, 1996-2016.

II. Интернет маълумотлари

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.press-uz.info
4. www.ziyonet.uz
5. www.edu.uz
6. www.pedagog.uz
7. www.Lex.uz
8. www.senat.uz

4-мавзу: Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. (2 соат)

Режа:

1. Қонун устуворлигини таъминлашнинг аҳамияти.
2. Суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш зарурияти
3. Тизимдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари

Таянч сузлар: Конституция, адолат, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқи, ислоҳот, “Ҳаракатлар стратегияси”, суд-ҳуқуқ тизими, йўналиш, эркинлик, судья, прокурор, адвокат, жазо.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш: судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш; суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш; «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш; судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш; судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш: фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ

муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш; суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш; фуқароларининг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш; фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш; суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш: жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш; жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир бирини такрорловчи ваколат ва инстанцияларни қисқартириш; электрон суд иш юритуви ва ижро иши юритувининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш: жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш; диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни янада кучайтириш; коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш; аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини

ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш; суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш; адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокат ўрнини ошириш; нотариат ва ФХДЁ органлари тизимини ислоҳ қилиш.

Миллий қонунчилик тизимида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодекси муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди. Бинобарин, Кодексга 1994 йилдан бугунги кунга қадар 60 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигининг асосий сабаби ҳам шундадир. Бундан ташқари, Кодексга бу қадар кўп ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишининг қуйидаги объектив сабаблари ҳам бор. Биринчидан, мазкур ҳолат кодекс томонидан тартибга солинадиган муносабатлар доирасининг кенглиги ва турлитуманлиги ҳамда мазкур муносабатларга доир ислохотларнинг изчил равишда амалга оширилаётганлиги. Иккинчидан, давлат бошқаруви соҳасини такомиллаштиришга оид ўзгаришлар бўлаётганлиги. Учинчидан, мамлакатимизда жиноий ва маъмурий юрисдикцияда белгиланган жазоларни либераллаштиришга доир ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги. Тўртинчидан, ижтимоий муносабатларнинг муайян жабҳасини тартибга солишга қаратилган янги қонун ҳужжатининг қабул қилиниши натижасида юзага келаётган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун маъмурий жавобгарликни белгилашга бўлган эҳтиёжнинг вужудга келаётганлиги шулар жумласидандир. Бинобарин, Кодекс ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ҳамровли ислохотлар жараёнида улкан сотсиал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини такидлаш ўринлидир. Айти пайтда, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизатсия қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётгани барчамизга маълумдир. Шу маънода, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва

Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги —Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси|| номли маърузасида фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган қолда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳририни қабул қилиш лозимлигига оид таклифнинг ўз вақтида илгари сурилганлиги долзарб аҳамият касб этади. Чунончи, мазкур Кодексни қабул қилиш зарурати Контсептсияда ҳам таъкидланган бўлиб, биринчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрири судҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик, жиноийҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принтсипиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши лозимлигида. Бунда авваламбор, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдиктсиядан маъмурий юрисдиктсияга ўтказишни назарда тутиш зарур. Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришнинг протсессуал механизмларини такомиллаштириш, янада демократлаштириш лозим. Учинчидан, Кодекс билан тартибга солинадиган соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чоратадбирларни белгилаш кабилар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, маърузада Президентимиз таъкидлаганларидек, Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификатсиялашувини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Вақт доим ҳаракатда, муносабатлар эса ўзгарувчан бўлади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳририни тайёрлашда ҳуқуқни қўллаш амалиётида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб киритилган ва у самарасини бераётган ярашув институтини маъмурий юрисдиктсияда ҳам жорий қилиш муҳим аҳамият касб

этади. Зеро, мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлмоқда. Шунингдек, Кодексда жиноят қонунчилигини тобора либераллашуви инобатга олган қолда айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдиктсиядан мамурий юрисдиктсияга ўтказишни белгилаш зарур. Бунда Жиноят кодексидаги кам аҳамиятли қилмишлар ва мазкур ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят таркибларини маъмурий юрисдиктсияга ўтказиш лозим. Жумладан, Жиноят кодексининг 148-моддаси (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 184-моддаси биринчи қисми (солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш) кабилар шулар жумласидандир. Зеро, ҳуқуқни қўллаш амалиётида меҳнат қилиш ҳуқуқини бузганлик учун шахсга нисбатан аввал маъмурий жазосини қўллагандан сўнг, қайта мазкур қилмишни содир этиш қоллари учрамайди. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 148-моддаси (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш) бўйича деярли жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлар учрамайди.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига биноан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан қифояланиши мумкин. Назаримизда, ушбу моддадаги кам аҳамиятли маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчасини Кодекснинг тегишли моддаларида аниқлаштириш лозим. Шунингдек, айрим хорижий мамлакатларда, хусусан Россия давлати қонунчилигида —огоҳлантириш маъмурий жазо тариқасида эътироф этилган. Назаримизда, мазкур тажрибани ҳам миллий қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Зеро, бугунги кунда ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарга берилган —огоҳлантириш чораси ҳеч бир протсессуал ҳужжатда қайд этилмайди ва айнан ушбу шахс томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилганда ўз-ўзидан инобатга олинмайди. Шунингдек, Кодекснинг 286-288-моддаларида маъмурий йўл билан ушлаб

туриш асослари кўрсатилган бўлиб, 286-моддага биноан ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг ҳариндошуруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинишлиги белгиланган. Бу ўринда, фикримизча, мазкур нормада шахснинг ушлаб турилгани ҳақида айнан қанча муддат ичида унинг яқинлари хабардор қилинишини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Кодекснинг 288-моддасига биноан чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган қолларда эса - ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин. Назаримизда, мазкур нормадаги маъмурий ушлаб туришнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш ваколатини прокурордан судга ўтказиш лозим. Бу эса ўз навбатида, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг —қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 8 апрелдаги —Қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва валюта бойликлари сайланиши таъминланмаганлиги ва улардан тўғри фойдаланилмаганлиги учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги 124-сонли қарорида юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлигига доир қоидалар белгиланган. Бу эса ўз навбатида маъмурий жавобгарликнинг субъекти сифатида юридик шахсларнинг жавобгарлигини Кодексда белгилашни тақозо этади. Айни пайтда мазкур тажрибани Россия, Беларус ва

бир қатор Европа мамлакатлари қонунчилигида белгиланган бўлиб, бу борада юридик шахслар жавобгарлигининг кодексда белгиланиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификатсиялашувини таъминлайди.

Бундан ташқари, янги таҳрирда қабул қилинадиган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жазоларнинг муқобил тури сифатида огоҳлантириш, муаян муддатга фаолиятни тўхтатиб туриш, фаолиятни маъмурий тўхтатиб туриш каби жазоларини киритиш, айниқса юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини белгилашда долзарб аҳамият касб этади. Шундай қилиб, сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизатсия қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш ҳамда Контсептсияда илгари сурилган ҳолатларнинг инобатга олиниши, ўз навбатида соҳага оид қонунчилик тизимининг янада унификатсиялашувига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигига хизмат қилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлатнинг бошқа тузилмаларидан фуқаролар ва инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилишига қўл қўймаслик ваколатларига эга. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий вазифаларига қонунбузарликларни олдини олиш, прокурор назорати, тегишли протсессуал ҳатти-ҳаракатларни бажариш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда суд қарорларини ижро этиш киради. Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Контсептсияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунийликни таъминлаш борасидаги вазифаларига алоҳида урғу берилди. Шу ўринда ушбу органларнинг ваколатлари доирасига фақатгина назорат функтсиялари кирмасдан, балики фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини,

жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам тааллуқли ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида кўрсатилганидек, адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Адлия, прокуратура ва ички ишлар органлари ваколатлари доираси ўзаро боғлиқлиги билан тавсифланадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ҳозирги ҳолати идоралараро муносабатларда манфаатлар мувозанатига эришиш ва ўзаро тийиб туришнинг самарали механизмини яратишни тақозо этади. Бу мақсадга эришиш йўлида, дастлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг мавжуд тузилмасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколатларини кучайтириш орқали такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш талаб этилади. Жумладан, адлия, прокуратура, ички ишлар ва суд органлари ўртасидаги муносабатлар тадқиқ қилинганда, хорижий давлатларнинг баъзиларида прокуратура суд тизим таркибига кириши, бошқаларида – адлия вазирлигига буйсуниши, яна бир гуруҳ давлатларда эса прокуратура суд ва адлия органларидан мустақил эканлиги кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясини суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойишининг 6 бандига кўра бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олиб мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий таркиботни тубдан яхшилашга йўналтирилган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури лойиҳасини тайёрлаш вазифаси белгиланган.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг янги таҳририни тайёрлаш ва кўриб чиқишнинг аҳамияти ва заруриятини бир қатор омилларга кўра тавсифлаш мумкин. Энг аввало депутатлар корпуси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, маслаҳат бериш ва маърифий фаолиятни амалга ошираётган фуқаролик институтларининг фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини, юксак ҳуқуқий онгини ошириш бўйича ишларни ташкил этишдаги фаолиятининг самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш зарур. Бундай кенг кўламдаги ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқий тарбия ва тарғиботнинг замонавий таъсирчан шакл ва усулларидан, ахборот коммуникатсия технологиялари ва оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Энг муҳими, аҳолининг, ҳуқуқий соҳа ходимларининг, маслаҳат бериш ва маърифий ишларни амалга оширувчи жамоат бирлашмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш устувор вазифа сифатида ҳаралмоғи шарт. қолаверса фуқароларга ҳуқуқий таълим бериш ва уларни тарбиялаш уларда қонунларга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, қонунга итоаткор хулқ-атворни шакллантириш соҳасидаги ишларни самарали ташкил этишга нафақат сўзда, балки амалда эришишни таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Шунингдек ҳуқуқий билимлар марказлари тармоқларини, айниқса қишлоқ жойларда янада ривожлантиришни, масофадан туриб ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган доимий рукнларни кўпайтириш, ушбу соҳага оид янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан эркин фойдаланишини кенгайтириш билан боғлиқ бир қатор вазифаларни ҳал этиш қайд этилган миллий дастурни янги таҳрирда ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Фуқароларнинг билим савияси ва ижро этиш масъулиятининг ошиши, тегишли ташкилотлар мансабдор шахслари ҳуқуқий маданиятини оширишда

муҳим аҳамият касб этувчи Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни амалга оширишда норматив ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур лойиҳани тайёрлаш мақсадида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирларни шунингдек, амалдаги

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини ҳаётга қўллаш тажрибасини инобатга олиб, асослантирилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Биринчидан, —Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг мониторингини ўтказиб, мавжуд муаммолар, уларни ҳал қилиш чоралари ишлаб чиқилиши зарур.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарғиботни идора-лараро увофиқлаштиришнинг самарали тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг медиа режаларини ҳар йили ишлаб чиқиб, уни ижросини тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш зарур. Ушбу режада қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятининг бу борадаги фаолият йўналишлари аниқ қолда кўрсатилиши лозим.

Тўртинчидан, мамлакатимизда давлат корхоналари, нодавлат ташкилотлари, таълим муассасалари, барча хўжалик юритувчи субъектларда ойлик ҳуқуқий билимлар кунини жорий этиш, ҳуқуқий тарғиботга оид махсус телекўрсатув ва радиоешиттиришларни, уларнинг эфир вақтларини қатъий белгилаб, уни амалга ошириш чораларини кўриш.

Бешинчидан, аҳолининг ва ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг ҳуқуқий хабардорлик даражасини ошириш мақсадида қонун ҳужжатларининг расмий манбалардан (шу жумладан электрон дастур шаклида) фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш лозим.

Олтинчидан, ҳуқуқий мавзуларда ёзадиган журналистларни тайёрлаш, уларни ихтисослаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар матбуот хизматларининг бу борадаги

ваколатларини белгилаш ва уни такомиллаштириш чораларини кўриш талаб этилмоқда.

Еттинчидан, Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳуқуқий тарғиботда фаоллигини ошириш чораларини кўриш керак.

Саккизинчидан, ҳуқуқий таълим ва маърифатга ҳамда ҳуқуқий билимлар тарғиботи учун масъул бўлган мансабдор ва масъул шахсларнинг тасдиқланган режа ва дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш зарур. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий таълим ва билимни, маърифатни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширишни фуқароларнинг қонунга итоаткорлик туйғусини янада ортишига хизмат қилади. Ўз навбатида ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлаш билан бирга фуқароларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришга, жамиятимизнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятини тўлиқ таъминланишига хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да суд-ҳуқуқ тизими қайси йўналишда кўрсатилган ?
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг маърузаларида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича илгари сурилган устувор вазифалар нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида қонун устиворлигини таъминлашнинг аҳамияти нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ш.Мирзиёев "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" Ўзбекистон Т.2017.
3. Ш.Мирзиёев "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз" Ўзбекистон. Т.2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабр.
6. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. -Т.: "Ўзбекистон", 1996-2016.

II. Интернет маълумотлари

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.press-uz.info
4. www.ziyonet.uz
5. www.edu.uz

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислохотларнинг жадаллашуви.

Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси.


Вақти – 2соат	Тингловчилар сони: _____нафар.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулоти.
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислохотларнинг жадаллашуви. 2. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, бос-қичлари ва хусусиятлари. 3. Иқтисодий ислохотларнинг беш тамойилининг амал оширилиш механизми.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Тингловчиларда Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислохотларнинг жадаллашуви мавзусига оид билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; -билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш; -ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; -коммуникатсия, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Тингловчи:</p> <p>Бозор иқтисодиёти тушунчаси ва унинг асосий белгилари ҳақида маълумотлар бера олади.</p> <p>Бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлигини изоҳлаб бера олади.</p> <p>Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий ва ўзига хос қонуниятлари тўғрисида ўз тушунчаларига эга бўлади.</p> <p>Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ва хусусиятлари тўғрисида маълумотлар бера олади.</p> <p>Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи эканлигини изоҳлаб бера олади.</p>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозара, тақдимот, блимс-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар, маркер, скоч, қоғоз.
Ўқитиш шакли	Оммавий, гуруҳий.
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси

Амалий машғулотининг технологик картаси.


Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич машғулотга кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Мавзу мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади</p> <p>1.2. Тингловчиларни фаоллаштириш мақсадида мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида блитс – сўров ўтказиши</p>	<p>1.1. Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 дақиқа.)	<p>2.1. Тингловчиларни гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Ҳар бир тингловчи гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради. Гуруҳларда ишлаш натижаси А4 бичимидаги қоғозларда кўрсатилиш кераклигини маълум қилади. Мавзу муҳокамаси гуруҳларда ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қилади.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтарлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.3. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариши жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади.</p>	<p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради, вазифаларни бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қилади, тўлдирди, бошқа гуруҳларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Схema ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади.</p>
3-босқич. Якуний (10 дақиқа.)	3.1. Машғулотга яқун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гуруҳларда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳолайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради.

Бозор иқтисодиёти тушунчаси ва унинг асосий белгилари

1-слайд





2-слайд



3-слайд

Vatanimiz mustaqilikni qo'lga kiritgach, taraqqiyotning qaysi yo'lidan borish, milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda qanday tamoyillarga tayanish kabi bir qarashda jo'n ko'rinadigan, lekin xiyla murakkab va ziddiyatli, mamlakatning taqdiri bilan bog'liq o'ta muhim muammolarga duch keldi.







Илова-2




Бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлиги

Biz islohotlarni inqilobiy usulda, yaʼni “shok terapiyasi” yoʻli bilan amalga oshirishdan ongli ravishda voz kechib, tadjriy taraqqiyot yoʻlini tanlab olganimiz tufayli xalqimizni qanday ogʻir oqibatlarga olib kelishi mumkin boʻlgan iqtisodiy va ijtimoiy toʻfonlardan asrab qolishga muvaffaq boʻlganimizni bugun hayotning oʻzi tasdiqlab bermoqda.

Islom Karimov

Oʻzbekiston 1991 yili oʻz mustaqilligini qoʻlga kiritganidan soʻng umrini oʻtab boʻlgan mustabid, maʼmuriy-buyruqbozlik, rejali-taqsimot tizimidan voz kechib, “oʻzbek modeli” deb nom olgan oʻz taraqqiyot yoʻlini tanlab oldi.





**Ikkinchi bosqich
vazifalarini hal qilish
uchun isloh qilishning
quyidagi muhim
yo'nalishlari belgilab
olindi**

Iqtisodiyotning barcha sohalari va tarmoqlarida erkinlashtirish jarayonini izchillik bilan o'tkazish hamda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish


Xususiylashtirish jarayonini yanada chuqurlashtirish va shu asosida mulkdorlar sinfini shakllantirish

Mamlakat iqtisodiyotiga xorij sarmoyasini, avvalo, bevosita yo'naltirilgan sarmoyalarni keng jalb etish uchun qulay xuquqiy shart-sharoit, kafolat va iqtisodiy omillarni yanada kuchaytirish



Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning iqtisodiy taraqqiyotda ustuvor o'rin egallashiga erishish

Mamlakatning eksport salohiyatini rivojlantirish va mustahkamlash, iqtisodiyotimizning jahon iqtisodiy tizimiga keng ko'lamda integratsiyalashuvini ta'minlash

Иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш



Prezidentimiz Islom Karimov iqtisodiy, ijtimoiy – siyosiy muammolarni hal etishga qaratilgan davlat qurilishi va iqtisodiyotni tubdan isloh qilishning besh asosiy tamoyili (qoidasi)ni ilgari surdi. Yurtboshimiz O'zbekistonning iqtisodiy siyosati, yangilanish va ijtimoiy taraqqiyot yo'lining umumiy printsiplari va o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida dastlab 1992 yilda «O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li» deb nomlangan risolasida fikr yuritgan edi. So'ngra 1993 yilda nashr qilingan «O'zbekiston – bозor munosabatlariga o'tishning o'ziga xos yo'li» asarida tub iqtisodiy islohotlarni amalga oshirishning beshta printsiplari (tamoyili) ni chukur va atroflicha ilmiy tahlil qilib bergan.



**2-мавзу. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши,
босқичлари ва ривожлантирилиши.**

Вақти – 2соат	Талабалар сони: _____ нафар.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулоти.
Семинар машғулотининг режаси	<p>1. Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва унинг жаҳонда қўлланилиш услублари</p> <p>2. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши</p> <p>3. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг босқичлари ва ривожлантирилиши</p>
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши мавзусига оид билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>- Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; -билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш; -ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; -коммуникатсия, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба: Бозор иқтисодиёти тушунчаси ва унинг асосий белгилари ҳақида маълумотлар бера олади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлигини изоҳлаб бера олади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий ва ўзига хос қонуниятлари тўғрисида ўз тушунчаларига эга бўлади. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ва хусусиятлари тўғрисида маълумотлар бера олади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи эканлигини изоҳлаб бера олади.</p>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозара, тақдимот, блитс-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар, маркер, скоч, қоғоз.
Ўқитиш шакли	Оммавий, гуруҳий.
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси

Амалий машғулотининг технологик картаси.

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич машғулотга кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Мавзу мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида блитс – сўров ўтказиши</p>	<p>1.1. Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 дақиқа.)	<p>2.1. Талабаларни гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Ҳар бир талаба гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради. Гуруҳларда ишлаш натижаси А4 бичимидаги қоғозларда кўрсатилиш кераклигини маълум қилади. Мавзу муҳокамаси гуруҳларда ишлар тақдиротидан сўнг давом этишини эълон қилади.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтарлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.3. Тақдирот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариши жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади.</p>	<p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради, вазифаларни бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдирот қилади, тўлдирди, бошқа гуруҳларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади.</p>
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа.)	<p>3.1. Машғулотга яқун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гуруҳларда фаол иштирок этган талабаларни баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p>


Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи

1-слайд

Jahon iqtisodiyotida kechayotgan murakkab jarayonlar iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish, raqobatdoshligini oshirish uchun uning tarkibiy tuzilishini muttasil takomillashtirib borish zaruratini yanada kuchaytirdi. Mamlakatning raqobatdoshligi eng avvalo uning iqtisodiyoti raqobatdoshligi orqali ifodalanadi.

Milliy iqtisodiyotning raqobatdoshlik darajasi uning tabiiy resurs salohiyati, mehnat resurslarining soni va sifati (malaka darajasi), ishlab chiqarishning texnik-texnologik modernizatsiyalashganlik darajasi, iqtisodiyot tarkibiy tuzilishining takomillashgani, davlatning iqtisodiy rivojlanish hamda islohotlar strategiyasi qay darajada ilmiy asoslangani va o'zgarishlar jarayonlarini hisobga olgani hamda jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashgani bilan belgilanadi.

2-слайд



Iqtisodiy islohotlarning hozirgi bosqichida tarkibiy o'zgarishlar siyosati

Mamlakat iqtisodiyotining diversifikatsiyalashuv darajasini ko'tarish, ya'ni ishlab chiqarilayotgan tovarlar va xizmatlar nomenklaturasini kengaytirish, YaIM, eksport kabi ko'rsatkichlarda alohida tarmoq mahsuloti yoki mahsulot guruhining ustunlik qilishiga barham berish

Tashqi bozorlardagi kon'yunktura o'zgarishlariga kam ta'sirchan bo'lgan tarmoq va sohalarning YaIM va bandlikdagi ulushining yuqori bo'lishini ta'minlash

Tayyor mahsulot ishlab chiqaruvchi, shuningdek, eksport qiluvchi korxonalar va tarmoqlarning xomashyo va butlovchi qismlar bilan ta'minlanishida mahalliy korxonalar ulushining ustunligiga erishish

Yuqori texnologiyalar va zamonaviy texnika bilan qurollangan, arzon va sifatli, tashqi bozorda bimalol raqobatga kirisha oladigan sanoat tarmoqlarining sanoat ishlab chiqarishi ko'rsatkichlaridagi ulushini oshirish

Kon'yunktura o'zgarishlariga tez moslashuvchan, kapital sig'imi past bo'lgan soha va tarmoqlarning yalpi iqtisodiy ko'rsatkichlardagi salmog'ini oshirish

3-мавзу. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш
Эришилган янги марралар.

Савол	жавоб
Бозор иқтисодиёти нима?	ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар (ёки иқтисодий муносабатлар) мажмуидир. иқтисодий фаолият асосида кишиларнинг эҳтиёжини қондириш учун зарур товар ишлаб чиқариш, ҳамда товарлар олди-сотдиси, сотувчи билан харидорнинг эркин, ихтиёрий муносабатларига асосланган иқтисодиётдир
Иқтисодиётни ривожлантиришнинг йўллари қандай?	Йўллари иккита бўлиб бири режали, иккинчиси бозор иқтисодиётидир
Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар	Собиқ мустабид тизимининг оғир оқибатларини бартараф этиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш Республиканинг ўзига хос шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш
<i>Ислом Каримов иқтисодий, ижтимоий – сиёсий муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат қурилиши ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг беш асосий тамойили ҳақида қайси асарида дастлаб фикр билдирган?</i>	<i>Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати, янгилашни ва ижтимоий тараққиёт йўлининг умумий принтсиплари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида дастлаб 1992 йилда «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланган рисоласида фикр юритган эди. Сўнгра 1993 йилда нашр қилинган «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бешта принтсипи (тамойили) ни чуқур ва атрофлича илмий таҳлил қилиб берган.</i>

Вақти – 2соат	Тингловчилар сони: _____нафар.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулоти.
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши 2. Ўзбекистонда банк-молия тизимини мустаҳкамланиши
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Тингловчиларда Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш. Эришилган янги марралар.</p> <p>мавзусига оид билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; -билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш; -ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; -коммуникатсия, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Тингловчи:</p> <p>Бозор иқтисодиёти тушунчаси ва унинг асосий белгилари ҳақида маълумотлар бера олади.</p> <p>Бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлигини изоҳлаб бера олади.</p> <p>Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий ва ўзига хос қонуниятлари тўғрисида ўз тушунчаларига эга бўлади.</p> <p>Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ва хусусиятлари тўғрисида маълумотлар бера олади.</p> <p>Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи эканлигини изоҳлаб бера олади.</p>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозара, тақдимот, блимс-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар,маркер,скоч, қоғоз.
Ўқитиш шакли	Оммавий, гуруҳий.
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси

Амалий машғулотининг технологик картаси.

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич машғулотга кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Мавзу мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади</p> <p>1.2. Тингловчиларни фаоллаштириш мақсадида мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида блитс – сўров ўтказади</p>	<p>1.1. Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 дақиқа.)	<p>2.1. Тингловчиларни гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Ҳар бир тингловчи гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради. Гуруҳларда ишлаш натижаси А4 бичимидаги қоғозларда кўрсатилиш кераклигини маълум қилади. Мавзу муҳокамаси гуруҳларда ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қилади.</p> <p>2.2. Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтарлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.3. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариши жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади.</p>	<p>2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради, вазифаларни бажарадилар.</p> <p>2.2. Тақдимот қилади, тўлдиради, бошқа гуруҳларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади.</p>
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа.)	<p>3.1. Машғулотга яқун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гуруҳларда фаол иштирок этган тингловчиларни баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p>

Илова -1.

Гуруҳларда ишлаш қондаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта муурожаат килинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!

Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Илова -2.

1 – гуруҳ.

Бозор иқтисодиёти тушунчаси (кластер).

2 – гуруҳ.

Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари (кластер).

3 – гуруҳ.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлиги (кластер).

4 – гуруҳ.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли ва хусусиятлари (кластер).

Илова -3.

Тақдимотни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

<i>Гуруҳлар</i>	<i>Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари</i>			
	<i>Мавзунинг ечими</i>	<i>Тушунтириш(аниқлик, мантиқийлик)</i>	<i>Гуруҳ фаоллиги</i>	<i>Жами</i>
	<i>0,8</i>	<i>0,8</i>	<i>0,4</i>	<i>2</i>
1				
2				
3				
4				

Ёпиқ тест саволлари

Савол	жавоб
Модернизация нима?	Анъанавий жамиятнинг илғор индустриал жихатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён
Диверсификация бу...?	Корхоналарнинг фаолияти сохалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турларининг кенгайиши янгилаб борилиши.
Банк бу...?	Пул маблағларини тўплаш жойлаштириш ва уларнинг харакатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир
Молия нима?	Пул маблағлардан фойдаланиш ва унинг харакатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимидир

4- мавзу. Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш. (2 соат)

Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси.

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: ___ нафар.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти.
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш 2. Давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Тингловчиларда Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш ҳақида билимларни аниқлаш ва кенгайтириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш; - ўз фикрини шакллантириш ва	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Тингловчи: “давлатчилик назарияси” ҳақидаги ўз фикрларини баён эта олади; Ўзбекистон заминида адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ҳақидаги маълумотлар бера олади; Антик давр мутафаккирларининг давлатчилик тўғрисидаги қарашлари ҳақида ўз тушунчаларига эга бўлади; Ўрта аср ғарб мутафаккирларининг давлатчилик

билдириш жараёнини ташкил қилиш; -коммуникатсия, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.	тўғрисидаги қарашлари ҳақида маълумотлар бера олади; Ўрта асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг давлатчилик тўғрисидаги қарашлари ҳақида маълумотлар бера олади; Жадид мутафаккирларининг давлат ва жамият бошқаруви тўғрисидаги қарашлари ҳақида фикрларини изоҳлай олади; Ислом Каримов мустақилликнинг йўлбошчиси ва раҳнамоси ҳақидаги билимларини таснифлаб бера олади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозара, такдимот, блимс-сўров, баён қилиш. Инсерт, тоифалаш жадвали
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар, маркер, скоч, қоғоз.
Ўқитиш шакли	Оммавий, гуруҳий.
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси

Амалий машғулотининг технологик картаси.

Ишлар босқичи ва мазмун	Ф а о л и я т м а з м у н и	
	Таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич Тайёргарлик	Ўқув машғулот мақсадини аниқлайди, унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонларини шакллантиради, керакли ўқув материалларини тайёрлайди	
2 - босқич Кириш (10 дақиқа)	Ўқув машғулотининг мақсади, вазифалари унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Ёзиб оладилар.
3 - босқич Асосий(60 дақиқа)	Мавзу бўйича мавжуд ахборотларни фаоллаштиради: аклий ҳужум усули ёрдамида қуйидаги саволга жавоб беришларини таклиф этади: «Сиз “давлатчилик назарияси” ҳақида нималарини биласиз?», «Сиз Ўзбекистон заминида адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ҳақида нималарини биласиз?» Ёзув тахтасида алоҳида сўз ёки сўз боғловчилари кўринишида ёзишни ташкिलлаштиради. Олинган ахборотларни тоифалар бўйича тизимлаштиришни таклиф этади. Бунинг учун:	Саволларга жавоб берадилар Жадвалнинг тузилмавий таркибий қисмларини ечишда иштирок этадилар. Унга ахборотлар «Киритадилар». Саволларга жавоб берадилар Жуфтликда ишлайдилар; ўрганилган материал бўйича фикр алмашадилар Муҳокама вақтида танлаб олинган ахборотларга асосланиб, гуруҳли жадваллар тузадилар Гуруҳ сардорлари натижалар тақдимотини ўтказадилар.

	<p>1) тоифали жадвал тузилмасини жамоавий муҳокамасини ташкиллаштиради;</p> <p>2) ёзув тахтасида жадвал чизишни ва унга (жамоавий) олинган ахборотларни киритишни таклиф этади</p> <p>Ҳосил қилинган билимларни умумлаштиради:</p> <p>қўйидаги саволга жавоб беришларини таклиф қилади:</p> <p>«Сиз қандай янгиликларни билишни хоҳлар эдингиз?», «Сизга давлатчилик назарияси тўғрисидаги билимлар нима учун керак?»</p> <p>Матнни тарқатади, уни ўқиб чиқишни ва инсерт усулидан фойдаланиб матн четида белгилар қўйишни таклиф этади.</p> <p>Ишнинг боришини кузатади. Ишнинг ўзаро текширувини ўтказиш ва ўқиш пайтида пайдо бўлган саволларга жавоб беришни таклиф этади</p> <p>Ихтиёрий белги бўйича гуруҳларга бўлади ва гуруҳли Инсерт жадвалларини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишни таклиф этади.</p> <p>Натижалар тақдироти бошланишини эълон қилади</p>	<p>Бунда улар эътиборни асосий ахборотга қаратадилар, ўқиш давомида пайдо бўлган саволларни айтадилар.</p>
<p>4 - босқич. Якуний(10 дақиқа)</p>	<p>Олинган ахборотни умумлаштиради ва шарҳлайди.</p> <p>Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради. Мақсадга эришиш муваффақиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.</p> <p>Кейинги иш истиқболларини аниқлайди</p>	<p>Тинглайдилар.</p>

ИНСЕРТ УСУЛИ (техникаси)

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими.

Инсерт – аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

Инсерт - матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақил билим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи кучли асбоб.

Инсерт- бу, ўзлаштиришнинг мажмуали вазифаларини ечиш ва ўқув материални мустаҳкамлаш, китоб билан ишлашнинг ўқув малакаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган ўқитиш усулидир.


Матнда белгилаш тизими

- (√) - мен биламан деганни тасдиқловчи белги;
- (+) - янги ахборот белгиси;
- (-) - мени билганларимга, зид белгиси;
- (?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак белгиси.

1-вариант

Тушунчалар	√	+	-	?
“давлатчилик назарияси” тушунчаси				
Ўзбекистон заминида адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ҳақида				
Антик давр мутафаккирларининг давлатчилик тўғрисидаги қарашлари ҳақида				
Ўрта аср ғарб мутафаккирларининг давлатчилик тўғрисидаги қарашлари ҳақида				
Ўрта асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг давлатчилик тўғрисидаги				

қарашлари ҳақида				
Жадид мутафаккирларининг давлат ва жамият бошқаруви тўғрисидаги қарашлари ҳақида				
Ислом Каримов мустақилликнинг йўлбошчиси ва раҳнамоси ҳақида				



Ғоявий мафкуравий соҳадаги туб ўзгаришлар:

Коммунистик ғоя ақидаларидан воз кечилди. Миллий ғоя: асосий тушунчалари ва тамойиллари ишлаб чиқилди;

Миллий ғоя негизларига таянган ҳолда Ўзбекистон жамияти ривожланиши, унинг ўзига хос хусусиятлари асослаб берилди


Жамият ривожланишида миллий маданий мерос ҳамда умуминсоний кадриятлар, демократик принципларга амал қилина бошланди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги туб ўзгаришлар

Бозор иқтисодиётига асосланган мулкнинг хилма-хиллигига ўтилди;

Хусусий мулк тан олинди

Барча мулк шакллари тенг эканлиги эътироф этилди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди



Ёпиқ тест саволлари

Савол	жавоб
Жамият бу....?	Жамият одамларнинг ўзаро муносабатлари, алоқалари, амалга ошириладиган гуруҳлар мажмуи ва жамоасидир
Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллашуви нима?	Халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш, жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, маҳалла ролини кучайтириш
Харакатлар стратегиясида “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш” йўналиши қайси ранг билан ифодаланган?	Мовий ҳаворанг
Давлат ва жамият бошқарувида нималарни ривожлантириш лозим?	Халқ билан мулоқот механизмларини, демократик ислохотларни, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар фаоллигини, оммавий ахборот воситаларини

5 – мавзу. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар

Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси.

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: нафар.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти.
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари 2. Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> тингловчиларда Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар мавзусига оид билимларни шакллантириш, уларнинг билимларини мустаҳкамлаш ва янги маълумотлар билан тўлдириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; Билимларни таққослашни, умумлаштиришни, -таҳлилни тизимлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш; -ўз фикрини шакллантириш ва 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Тингловчи:</p> <p>Ижтимоий соҳалар. Ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга дастурий ёндашув. Ижтимоий дастурлар. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. Соғлиқни сақлаш Миллий Дастури.</p> <p>Ўзбекистонда маданият тузилмалари фаолиятининг ривожланиши. Театр, санъат,</p>

билдириш жараёнини ташкил қилиш; -коммуникатсия, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.	музей ва кутубхоналар фаолиятининг ривожланиши ва бу борада давлат сиёсати. Миллий маданият марказлари фаолиятининг ривожлантирилиши – миллатлараро тотувликка эришишнинг омили. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бо`лган эътибор. Ўзбекистоннинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид давлат сиёсати. Ўзбекистонда спортни оммавийлаштиришга қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари. “Универсиада”, “Баркамол авлод о`йинлари”, “Умид ниҳоллари” спорт о`йинларининг ташкил қилиниши ва уларнинг ижтимоий аҳамияти. Болалар спортини ривожлантириш – соғлов авлодни камол топтиришга қаратилган давлат сиёсатининг об`екти сифатида. Кабилар ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўладилар
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозара, тақдирот, блитс-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар, маркер, скоч, қоғоз.
Ўқитиш шакли	Оммавий , гуруҳий.
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси

Амалий машғулотининг технологик картаси.

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич машғулотга кириш(5 дақиқа)	1.1. Мавзу мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади 1.2. Машғулот мунозара тарзида ўтишини маълум қилади.	1.1. Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (65-мин.)	2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида блитс – сўров ўтказиши (Илова-1) . 2.2. Шарҳда ижтимоий адолат тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши тўғрисида маълумотлар беришни таклиф қилади. 2.3. Давра суҳбати сифатида давом эттиришни эълон қилади. Гуруҳларда ишлаш техникаси асосида олиб борилишини айтади. Тингловчиларни гуруҳларга ажратади. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини тушунтиради (Илова – 2). 2.4. Муҳокама учун саволларни тарқатади (Илова -3). Вазифани бажаришда қўшимча	2.1. Эшитади. Ўйлайди, жавоб беради. 2.2. Жавоб берадилар. 2.3. Тинглайдилар. 2.4. Тинглайдилар, вазифаларни

	<p>материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варағини тарқатади (Илова -4).</p> <p>2.5. Гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади ва маслаҳатлар беради.</p> <p>2.6. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини, ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, хулосаларга эътиборни қаратади.</p>	<p>оладилар.</p> <p>2.5. Гуруҳ билан биргаликда вазифаларни бажарадилар.</p> <p>2.6. Тақдимот қилади, тўлдиради, бошқа гуруҳларга саволлар беради, ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб олади.</p>
3-босқич. Яқуний (10 мин.)	3.1. Ишга яқун ясайди ва тингловчиларга баҳолар қўяди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради.

Илова -2.

Гуруҳларда ишлаш қондаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат килинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!

Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Илова -3.

1 – гуруҳ.

Ижтимоий адолат тушинчаси (кластр).

2 – гуруҳ.

Ижтимоий химоя тушинчаси (кластр).

3– гуруҳ.

Шарқда ижтимоий адолат тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши (кластр)

4 – гуруҳ.

Мустақиллик даврида адолат тушунчасининг янги мазмуни (кластр)

Илова -4.

Тақдимотни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

<i>Гуруҳлар</i>	<i>Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари</i>			
	<i>Мавзунинг ечими</i>	<i>Тушунтириш(ани қлик ,мантиқийлик)</i>	<i>Гуруҳ фаоллиги</i>	<i>Жами</i>
	<i>0,8</i>	<i>0,8</i>	<i>0,4</i>	<i>2</i>
1				
2				
3				
4				

Ўпиқ тест саволлари

Савол	жавоб
Харакатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда дастлабки қадамлар..?	Валюта тушумларини сотиш мажбурияти бекор қилинди, божхона тўлов ставкалари икки баробарга қисқартирилди
Иқтисодиётни ривожлантириш учун 2020 йилдан бошлаб фермерларга қандай энгилликлар берилди?	Пахтага давлат нархи белгилаш бекор қилинди, ғаллага давлат буютмаси йигирма беш фоизга тушурилди
Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар бу...?	Аҳолини бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш, арзон уй жойлар барпо этиш, таълимни ривожлантириш
Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича таълимда 2020-2021 ўқув йилида қандай энгилликлар берилди?	Тўлов контрактини тўртга бўлиб тўлш, масофавий ўқишни ташкиллаш, қабул квоталари икки баробарга ошириш

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

КЕЙС – (ингл. case – тўпلام, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи *ўқитиш воситаси*.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун *услубий кўрсатмалар* бўлиши керак.

Кейс–стади (ингл.case– тўпلام, аниқ вазият, стади-ўқитиш)–амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг кўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)
2. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули:
 - саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)
